

Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАКС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ**

«Санъат тарихи ва назарияси» кафедраси

**«Актёрлик маҳорати»
(маъруза -- матнлари)**

Умарова Г.Б.

Тошкент - 2015 йил

Сўз боши

Маълумки санъат инсоният онги шаклланган даврдан бошлаб, эзгуликка, маънавий дунёсини бойитишга, бир-бирлари билан бўлган муомала-мулоқотда, ҳаттоки яшаш тарзида ҳам тарбия воситаси бўлган. Уни эзгуликка, меҳр-муҳаббат олий инсоний хусусиятларга етаклаб келган. Институтимиз Марказий Осиёда ва ундан узоқларда ҳам донг чиқарган ягона театр мактаби ҳисобланади. У мустақилликдан сўнг ўзининг тажрибаси ва жаҳрндаги йирик театр мактаблари назарий ва амалий тажрибасига суянган ҳолда ўз фаолиятини янада чуқурлаштирмоқда.

Халқимизда «Инсон-олам безаги», «Инсон бўлиш-бу санъатдир» деган ҳикматлар бор, шу боис институт талабалари билан уларнинг этикаси, эстетикаси, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар ,профессional таълимнинг ажралмас қисми саналади. Чунки бугунги талаба, эрта мустақил санъаткор бўлиши, у яратган образлари билан инсон қалбини гўзаллаштириб, маънавий озуқа бера олиши, уни фақат юксак инсоний туйғулар сари етаклаши керак.

«Актёр маҳорати» ва «Режиссура» дарсларида энг муҳим босқич-актёрлик маҳорати элементларини ўрганиш босқичи саналади. Чунки талабадан нафақат меҳнат, ўқиш, ўрганиш балки, ижод қилиш (масалан, машқ ва этюдлар драматургиясини яратиш) талаб этилади.

Бундан ташқари театр санъати, актёрдан юксак интеллектни талаб этади. Шу боис у талабалик давриданок ўз устида ишлашни, берилган' образларга тегишли бадиий, тарихий, илмий адабиётларни ўқиш ва идрок этиш салоҳиятига ҳам эга бўлиши керак. Ушбу маъруза матнда таълимнинг биринчи қадамлариданок педагог-ўқитувчи этибори шунга қаратилган. Шу боис мазкур маъруза матнида амалий машқлар қатори, таълимнинг интеллектуал томонлари ҳам қамралган, уларни мураккаб, айнаи чоғда мароқли бўлган буюк театр оламига етаклашга хизмат қилади.

Аннотация

Ушбу маърузалар тўплами 1-курс «Драма ва кино актёрлиги санъати» таълим йўналиши учун тузилган.

Олийгоҳимиз ва педагоглар биринчи вазифаси- талабани ижодкор шахс сифатида шакллантириш, уларнинг ички лаёқатини юзага чиқаришдан иборатдир. Шунинг учун энг аввало дастурнинг биринчи дarsi «Театр санъати» хdқидаги маъруза билан бошланади. Дастур актёрнинг бутун ҳаёти давомида хдводек зарур бўлган «Актёрлик маҳорати»нинг бирламчи элементларини ўргатиш ва сингдиришга қаратилган.

Олийгоҳимизда таълим олаётган талаба ёшларимизни, ^мЎзбекистон ; Республикасининг маънавий-маърифий тараққиётини ҳамда, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи мутахассислар қилиб етиштириш ушбу матндан кўзланган мақсаддир.. Бизнинг талабаларимиз -- мақсадга интилиш, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари, ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиш истаги билан ажралиб туришлари керак. Бунинг учун биз педагоглар олдида ҳали катта вазифалар турганлигини таъкидлаб ўтганмиз.

1-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
ТЕАТР САНЪАТИ

РЕЖА:

1. Театр маънавий-маърифий, ғоявий-бадий тарбия ўчоғи.
2. Актёр тарбиячи, ватанпарвар фуқаро.
3. Актёрлик санъати, унинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ - аср бўсағасида» Тошкент 1997 й. Ўзбекистон нашриёти.
2. И.А.Каримов. «Истиқлол ва миллий театр» Тошкент. 2002 й. Янги аср авлоди нашриёти.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистон театрлари ривожлантириш ҳақида»ги 1998 йил 26-март фармони.
4. М.Рахмонов «Хамза» номидаги театр. Тошкент 2001 йил.
5. Г.Кристи. «Воспитание актёра школьх Станиславского». Изд. 2-е. М.Искусство 1978.
6. К.С.Станиславский «Актёрнинг ўз устида ишлаши» Тошкент. Бадий адабиёт нашриёти 1965Й.

Маъруза матни

Сизга яхши таниш бўлган Европа типдаги профессионал театрнинг юзага келганига икки ярим минг йилдан ошди. Санъат турларининг, шу жумладан театр санъатининг юзага келиши, инсоннинг шу дунёда яшаши (яхши яшаши) учун кураши билан боғлиқдир. Театр санъатининг Дионис билан боғлиқ энг қадимги (антик) маросимлари ҳам, ундан кейинги тароққиёт босқитчлари ҳам фақат бир мақсад улуг гуманистик ғояни яъни инсоннинг инсон бўлиши, унинг камолотй учун курашни кўзлаб келмокда. Шу боис гуманистик театр ўзининг; Промитей, Эдип, Медея, Гамлет, Отелло, Карл Моор, Фердинанд, Алишер Навоий, Жалолиддин, Муқанна, Комилов, Амир Темури, Улуғбек, Ал Фарғоний, Алпомиш каби минглаб буюк образлари орқали ўз муҳлислари бўлмиш томошабинни маънавий баркамол, ғоявий улуғвор, нафосатли, назокатли, бўлишга, ватанпарварликка, садоқатга, илим-маърифатга интиштириб зиё эгаси бўлишга чорлаб келмокда. Қадимги грек театрини олайлик Эсхил, Софокл, Еврипид ва Аристофанлар ўзларининг улуғвор трагедиялари, ижтимоий ўткир комедиялари орқали энг аввало эл-юрт манфаати, тинчлиги, фаровонлиги ғоясини, бир сўз билан айтганда ватанпарварлик ғоясини илоҳий даражага кўтариб куйлаганларини биламиз. Улуғ

Шекспир ва унинг ўтмишдошлари, Мольер, Шиллер, Пушкин, Чехов, А.Қодирий, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжонлар тасвирда нозиклашиб инсон камолоти учун ҳалал бераётган, унинг оёғига тушов бўлаётган зарарли иллатларни аёвсиз фош этиш орқали инсонни яхшиликка, меҳ_р-оқибатга, саховатга, садоқатга, тўхтовсиз мукаммаллашишга чақирдилар. Ўзбек театрининг отаси М.Бехбудий ва бошқа ўзбек жадидлари, XX аср ўзбек маданиятининг энг йирик драматурглари, режиссёрлари, актёрлари жаҳонда энг илғорлардан бўлган театр яратдилар. Ўз фаолиятлари билан ўзбек халқини тараққиётга, маънавий-маърифий мукаммалликка, ватанпарварликка, чорладилар. Бу йўлда кўп нарсага эришилди. Шу боис Ўзбек Миллий академик драма театри миллатимизнинг дорилфунунига айланди десак янглишмаймиз.

Ўзбек театри арбоблари А.Авлоний, М.Уйғур, Ҳамза, Ғ.Зафарий, А. Ҳидоят, З.Қобулов, Тамараҳоним, Сараҳоним, Турсуной, Нурҳон қабила ҳаётлари учун ҳавфли бўлган даврлардаёқ элни-юртни маърифати, маданияти, маънавиятини учун дадил саҳнага чиққанлари, гўзалликка, руҳий озодликка, маърифатга чорлаганлари ҳақиқий мардлик, қаҳрамонлик бўлганини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Нима учун шундай қилдилар? Чунки ўз юртлари Туркистонни тенглар ичида тенг кўришнинг, ривожланган, маънан ва моддий бой бадавлат ва гўзал кўришни истадилар.

Ундан кейинги даврлар ўзбек саҳнасига чиққан бирнеча авлод санъаткорлари, театрнинг азалий гуманистик анъанасини давом эттириб, юрт ривожини учун ҳормай толмай ишладилар. Юртимизнинг ҳозирги ривожланган жамолида уларнинг ҳам улуғ меҳнатларининг самарасини кўришимиз мумкин. Шу боис актёр санъати, у яратган образлар халқ учун доимо ўрнатқич, ибратдир. Улар масалан, Абдор Ҳидоят деганда Ғофир, Рустам, А.Навоий, Отеллоларга ҳос улуғ ҳислатларни кўз олдиларга келтирадилар. Ш.Бурҳонов деганда Улуғбек, Ялангтўш, Сулаймон ота, Эдипга ҳос заҳматқашлик, фидоийлик, мардлик тимсоллари кўз олдиларига келади. Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Зайнаб Садриева, Олим Ҳўжаевларни буюк санъаткор эл-юрт учун меҳнатлари, фидоийлар идеали сифатида биладилар. Улар ўзбек халқнинг ҳақиқий ватанпарварлари эдилар. Шундай бўлмаганда буюк ўзбек театри, актёрлик, режиссёрлик санъатлари, драматургияси юзага келмаган бўларди. Улар ҳам сиз қаби ёш бўлганлар, иқтидорли бўлганлар, ўқиганлар, санъат сирларини тинмай эгаллаганлар. Юксак натижалари эса ана шу темир интизом, ахлоқ-одоб, чидам, сабр ва тоқат меvasидир. Сиз

азиз талабалар улардан ўрнат олсангиз. Юрт талабига, юртбошимиз талабига кулоқ солсангиз санъатда улуғ устозларнинг арзигули ворислари бўлиб етишишингиз, театр санъатимизни янада тараққий эттиришингиз шубҳасиз.

Шундан сўнг талабалар билан танишув. Сухбат. Талабаларни кириш имтиҳонида ижро қилган этюд, монолог, масал, шеър, қўшиқларининг кўриги ва муҳокамаси бўлиши мумкин.

Институт тартлиб-қоидалари, талабалик этикаси, эстетикаси ҳақида маънавий-маърифий сухбатлар ҳам мақсадга мувофиқ.

Санъат, шу жумладан театр санъати инсон қалбини нозиклаштириб, маънавий дунёсини сўйитади, гўзаллаштиради, эзуликка чорлайдилар. Театр санъати мураккаб, коллектив санъатдир. У ўз воситалари орқали инсон рухиятига таъсир қилади. Театр санъатининг энг асосий намоёнчаси, актёр у сиз театр йўқ. у сахнанинг мутлоқ қироли.

Актёр санъати тараққиётида қуйидаги услубий йўналишлар юзага келган.

Дилетантизм услуб ва техникани рад этади. Дилетантизм театр мактабига зид оқимдир. Бу оқимга риоя қилувчилар актёрлик техникаси ва системаси, лаёқат:из актёрларга керак. Техника ва система илҳомлага ҳалақит беради деб ишонтирмоқчи бўладилар.

Тақлидий санъат -- актёр репетиция пайтида ёки уйда актёр бир марта ҳақиқий, ҳаётий, кечинмани бошидан кечиради (шу учун уни санъат дейилади) ва ёдлаб олади. Аммо томошабин учун спектакл ўйнаганда, кечинма йўқолади репетицияда қилган ишларини фақат кўрсатиб беради. Тақлидий санъат репетиция пайтида ёдлаб олинган кечинма шаклини, қайтариш, кўрсатиш. намоёниш қилишдир.

«Кечинма санъат» - ролда инсон руҳини ҳаётдагидай, ҳар гал қайта тавдалантиришдир. 1>у санъат томошабин онги ва ҳиссиётига чуқур таъсир кўрсатади. Шу учун кечинма санъат-самимийлик, ҳақиқат ва ҳаётийликни ўз ичига олади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Санъат турлар n ши сананг!
2. Улар ҳақида т / шунчаларингизни гапириб беринг.
3. Тақлидий ва кечинма санъатининг фарқлаб беринг.

2-МАЪРУЗА (2 соат)

Мавзу:

РЕЖА:

1. Диққатни йиғиш учун биринчи қадам.
2. Табиатни кузатиш.
3. Инсонлар ички дунёсини ўрганиш.
4. Диққат турлари.

Адабиётлар.

1. Б. Е. Захава. «Мастерство актёра и режиссурм» Москва 1978г. 74-11 бетлар.

Маъруза матни

Талаба 1-курснинг 1-кунидан «Диққат» сўзи билан яқиндан танишмоғи лозим. Биринчи қадамлар сифатида оддий машқлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан: бутун курс талабалари диққат билан хонадаги товушларни эшитиш. Кейин коридор ва кўчадан келаётган товуш ва шовқинларга кулоқ солиб, ўқитувчига сўзлаб берадилар.

Диққат элементи бу бутун диққатни сахнавий объектга қарата билиш кўриш, эшитиш, сезиш орқали ундан келаётган импульсларни қизиқиш билан қабул қилиш ва унга мос зарур ҳатти ҳаракатлар қилишдир. Артист на фақат сахнада, хаттоки ҳаётда ҳам диққатли, кузатувчан бўлиш керак. Атроф-ҳаётда актёр эътиборини нимаинки тортса, у барча диққатини шунга қарата билиш керак. Кузатаётган объектини фақат сиртдан эмас ичидан ҳам кузатиш керак. Талаба биринчи ўринда тўғри кўриш, эшитишни ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Бунда фақат ёмонлик ҳолатларинигина эмас балки гўзаллик ва саховат ҳолатларини кўпроқ кўриш, эшитишга интилиш керак. Гўзаллик, ҳайри-саховат қалбларда, буюк ҳиссиётлар уйғотади.

Табиат - бу гўзаллик. Аввалига гул, барг, деразадаги музлаган қор нақшларини чизган ижодкор табиатнинг ишини кузатинг. Буларда сизга айнан нима ёқаётганини, сўз билан изоҳланг. Табиатга зулмат ва қоронғулик ҳолларини ҳам таҳлил қилаётганда, аввало ундаги гўзалликни, яхши томонларини топишга ҳаракат қилинг. Сиз кузатаётган объект ҳақида қарата, ўзингизга қуйидаги саволларни беринг: Ким?... нима?... қачон?... қаерда?... нимага?... нима учун...? ва ҳакозолар.

Олайлик диққат билан одамларни кузатяпсиз. Масалан паркда. Бир кампир коляска судраб ўтиб бораяпти. Коляска ичида бола эмас, қафас, унинг ичида қуш. Балки кампир, қафас оғирлиги учун уни коляскага солгандир:

Аммо, актёр ижодий хиссиётларини ишга солса, уни бу кампир бола - чақасидан айрилганлигини, қачонлардир шу ерда навараларини коляскада сайр қилдирганлиги кўз олдига келтириши мумкун. Шундай қилиб, талаба-ижодкор, диққат машқи орқали дарсхонада бадий-эмоционал сахна яратиши мумкин.

Сиз кузатаётган инсоннинг ички дунёси унинг муомаласи, фикри, бирор нарсага интилиши орқали ёки шарт - шароит таъсири билан очилса
- диққат билан шу интилиш ва ҳолатларни кузатинг, шароитни ўрганинг, ўзингиздан сўранг - нимага бу одам бундай қилди? Хаёлида нима бор эди?

Диққат, шартли-ихтиёрий ва шартсиз-беихтиёр бўлади. Диққатнинг элементар шакли
- бу шартсиз -беихтиёрийликдир.

Масалан, чақалоқ атрофидагиларга ўз муносабатини билдиради. Рангли, ялтироқ ўйинчоқни кўрганда, беихтиёр ўз диққатини шунга қаратади. Бу ерда кўраётган шахс субъект - чақалоқ. Диққат қаратилган нарса объект эса - ўйинчоқ. Беихтиёр диққат вақтида субъект ўз ичига объектни қамраб олмайди. Аксинча, объект субъектнинг диққатини ўзига тортади. Беихтиёрий диққат пассив диққат. Зеро, у - онгсиз равишда амалга ошади. Ихтиёрий диққат эса аксинча, инсон онги билан боғлиқ. Шу учун у актив характерга эгадир. Ихтиёрий диққатда объект қизиқарли бўлганлиги учун эмас, субъект онгида кечаётган жараён фаол аналитик бўлгани учун, диққатни тортади.

Ихтиёрий (шартли) диққатда объект фақат ўзига хос томони бўлгани учун эмас, субъект онгида ҳосил бўлган жараён сабабли, диққат марказига айланади.

Ташқи ва ички диққат.

Ташқи - диққат деганда инсоннинг ўзидан ташқаридаги объектлар билан боғлиқ диққат назарда тутилади. Буларга бизни ўраб турган дунёдаги барча предметлар ва овозлар киради. Қайси -- туйғу органлари ёрдамида -- юзага келганига қараб ташқи диққат ўз ўрнида томошавий , эшитиш, сезиш, хис қилиш, таъм билиш диққати бўлиши мумкин. Эшитиш, кўриш булар ичида асосийси саналади.

Ички диққат деб инсон организми ичида содир бўлган жараён туфайли юзага келган диққатга айтилади. Буларга очлик, чанқаш, оғрик,

фикр, хиссиёт, тасаввур орқали туғилган образлар, фантазиялар ва бошқалар киради.

Ташқи диққат - беихтиёрий (пассив) бўлиши ҳам мумкин. Лекин ташқи диққат битта объект билан узоқ боғланиб туролмайди. У ё, бошқа объектга кўчади, ёки фикрлаш жараёни орқали ички диққатга айланади -шунда, диққатни бир ерга йиғиш актив характерда бўлади. Шунда ташқи ва ички - диққат деган шакл юзага келади.

Масалан, иш столингизга ўтириб, стол устидан бегона хат топиб олдингиз дейлик. Бунда дастлабки дақиқадаги диққат - ташқи диққат яъни беихтиёрий, рефлекс диққати бўлади. «Бу хат кимга экан» деган автоматик фикрни уйғотади. Сўнг инсоннинг онг фаолияти активлашади. Хат кимга келганлигини билиши учун ичини очиб ўқиб кўради, хотирасида тиклайди ва эслайди. Шунда ташқи диққат иккинчи планга сурилади. Чунки, хат билан иш тўхтаган бўлса ҳам, онг иш давом этмоқдадир. Демак ички диққат биринчи планга чиқади. Диққат ҳар доим ўзи характерини ўзгартириб боради.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАР:

1. Диққат тушунчаси ҳақида фикрингиз?
2. Диққат элементининг актёр фаолияти учун аҳамияти?
3. Диққат турлари ҳақидй нима дея оласиз?

3-МАЪРУЗА (2соат) Мавзу:
Мушаклар эркинлиги.

РЕЖА:

1. Ташқи-жисмоний ҳолат.
2. Ички-рухий ҳолат.
3. Мушаклар эркинлигига эришиш машқлари.

Адабиётлар.

1. Б.Е.Захава «Мастерство актёра и режиссёра». 112-123 бетлар
2. Н.Махмудова семинар доклади (кафедра фонди)

Маъруза матни

Сахнавий диққат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда актёр фаолиятига таъсир этувчи иккинчи муҳим элемент-сахнавий эркинликдир. Бу эркинликнинг ташқи яъни -жисмоний, ҳамда ички яъни -рухий томонлари бўлади. Бадан эркинлиги ва рухий эркинлик ўзаро ҳамкорлик ҳрлатидагина актёр учун сахнада ҳақиқий ижод имкониятларини яратади. Буларни кетма-кет кўриб чиқамиз.

Жисмоний ҳрлат, яъни мускуллар бўшлиги инсон организмида мускуллар энергиясининг тўғри тақсимланишидан келиб чиқади. Мушаклар эркинлиги - - бу организмнинг шундай ҳрлатини унда бирор ҳаракат учун, шу ҳаракатнигина амалга оширишга зарур бўлган энергияни ишлатади, яъни керагидан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Мушаклар энергиясини тўғри тақсимлай билиш, бу инсон гавдаси пластикасининг асосий шартидир. Гавданинг ҳар бир ҳаракати учун зарур меъёрда куч ишлата олиш пластиканинг асосий ички қонунияти саналади. Шу боис, ҳар бир жисмоний ҳаракат гўзал яъни ишончли бўлиши учун ушбу қонунга бўйсунити керак. Сахнада маълум мақсадга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат ана шу ички қонунга мос бўлгандагина эркин бўлади.

Табиатда энергия доимо бир шаклдан бошқа шаклга ўтиб, тақсимланиб туради ва ҳеч қачон керагидан ортиқ ёки кам бўлмайди. Фақат инсон маълум шарт-шароитларда ўз гавдасини, гавда пластиканинг асосий қонуниятига бўйсундира олиш қобилиятини йўқотиб қўяди. Қилаётган ҳатти-ҳаракатининг, гапираётган гапининг тўғри эканлигига бўлган ишонч, ички эркинликка сабаб бўлади, ички эркинлик ўз навбатида, инсонинг ташқи жисмоний ҳолатида, пластикасида ўз аксини топади. Демак актер ҳолатининг ички ва ташқи эркинлиги асосида ички

ишончга тўлиқ эга бўлиш ётади. Шу ишонч бўлмаган вақтда мушакларда сиқиклик ёки аксинча бўшлиқ пайдо бўлади. Ҳаракатлардан ёки гавда ҳолатларидан табиийлик йўқолади. Мушакларда эркинликнинг йўқлиги, биринчидан, керак бўлмаган мушакларнинг тортишувига, иккинчидан, ишлаши зарур бўлган мушаклар ҳаддан ташқари зўриқиб қотиш ҳолатига олиб келади. Табиий ҳолда мушаклар шароит тақозосига асосан автоматик тарзда таранглашиб ёки бўшашиб туради. Бўшашган вақтларда олдин сарфланган энергия тикланади. Бу жараён маълум бир ритм асосида амалга ошади. Мушак таранглашса-ю, лекин ўша мушак ишлатилмаса, у йўқотган энергиясини тиклаб ололмайди. Бундай вақтларда актёр жисмонан жуда чарчайди.

Баъзан эса, мушаклар керагича таранглашмайди, бунда ҳаракатлар бўш, суст бўлади. Бир мушакнинг зўриқиши бошқасини етарли даражада қувват билан таъминланмаслигига олиб келади, ўрнини тўлдириш (компенсация) қонунига асосан у ёки бу турдаги қувват инсон баданида тенг миқдорда олماшилиб туради. Шу боис, фаол ақлий меҳнатни, оғир жисмоний меҳнат билан бир вақтда мувофиқлаштириб бўлмайди. Агар актёр сахнада керагидан кўп энергияни жисмоний ҳаракатлар учун сарф қилса, яъни унинг мушаклари доимо сиқик ҳолда бўлса, актёрнинг сезиш ва фикрлаш имконияти пасайиб кетади. Ижод эса Станиславский айтганидек «жуда кам жисмоний куч ва улкан ақлий ва руҳий қувватни талаб қилади». Мушаклар сиқиклиги билан диққат бир-бирига тескари пропорцияда ўзгаради. Яъни мушак сиқилса, диққат бўшашади ёки аксинча бўлади. Баъзи ташқи органлардаги сиқикликни онгли равишда ўз иродасига бўйсундириш орқали, камайтириш ёки енгиш мумкин. Масалан: қўл, оқ, бўйин, елка, юз ва ҳақозолар. Шулар жумласидан, лекин, қўрқув натижасида юзага келган юракнинг тез уришини ирода билан тинчлантириб бўлмайди. Ички органлардаги сиқикликни фақатгина бутун диққатни бир ерга жамлаш орқали енгиш мумкин.

Мушаклардаги ортиқча сиқикликдан қутилиш жараёни кетма-кет 4 босқичда амалга оширилади:

1. Онгли равишда, ирода асосида мушакларни бўшатиш.
2. Онгли равишда диққатни керакли объектга йўналтириш, орқали мушакларни бўшатиш.
3. Шартли диққатни шартсиз диққатга айлантириш орқали ички эркинликка эришиш
4. Ташқи ва ички органларда тамоман эркинликка эришиш. (Ташқи ва ички аъзолардаги ёлқикликнинг қолдиқларини беихтиёр йўқолиши).

Ички ижодий эркинликка эришиш кўп куч, меҳнат ва вақт талаб қиладиган жараёндир. Бу муаммо фақат актёр ички ва ташқи техниканинг ҳ ҳамма элементларини мукамал ўзлаштиргандан кейингина ҳал бўлади. Мушаклардаги ортиқча сиқикликни йўқотишга эса амалий аниқ тизимга эга бўлган машғулотлар орқалигина эришиш мумкин.

1-машқ - Мушакларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида максимал даражада сиқиш ва бўшатиш. Бу машқ орқали талаба у ёки бу мускулга диққатини йўналтиришни ўрганади. 2-машқ - Тепадан пастга ва пастдан тепага қараб ҳар бир мускулни навбатма-навбат бўшаштира олиш ва сиқиш. 3-машқ - Нормал ҳолга келтириш. 4-машқ - Мушакларнинг алоҳида олинган маълум бир группасини таранглаштириш, бўшаштириш.

Бундай машқлар ёрдамида талаба-ижодкорлар ўз гавдаларини назорат қила олишни ўрганадилар. Аввал бу нарса шартли равишда амалга ошади, кейинчалик автоматик тарзда назорат қилишга эришилади. Машқлар билан мунтазам ва мустақил шуғулланиб борилади. Ракс, ритмика, сахна ҳаракати фанларида ҳам талабалар, гавда пластикасининг асосий қонуниятига риоя қилишлари керак. Кундалик ҳаётда ҳам, ўз жисмоний ҳаракатларини шу қонунга мослаштиришлари лозим. Фақат шундагина мускуллар эркинлигини тарбиялаш муаммоси ҳал бўлди деб умид қилиш мумкин.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ташқи-жисмоний ҳолат деганда нимани тушунасиз?
2. Ички-руҳий ҳолат деганда нимани тушунасиз?
3. Мушаклар эркинлигига қандай эришиш мумкин?

4-МАЪРУЗА (2 соат)

Мавзу: Сахнавий ишонч

РЕЖА:

1. «Жиддийлик» ва «агарда» хусусида.
2. Е.Вахтанговнинг «Менга зарур» формуласи хақида.
3. Ишонч ва сахнавий эркинлик хусусида.
4. «Оқлаш» терминихусусида.

Адабиётлар.

1. К.Станиславскнй «Актёрнинг ўз устида ишлаши» 182-233 бетлар.
2. Н.Махмудова сгминар доклади. (кафедра доклади)
3. Б.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» 125-138 бетлар.

Маъруза матни

Сахнавий эркинлик билан чамбарчас боғлиқ яна бир элемент -- бу сахнавий ишончдир. Албатта «ишонч» сўзи бу ерда ўзига хос маънода ишлатилади. Чунки чизилган декорацияларнинг ҳақиқий ўрмон ёки денгизлигига ишониб бўлмайди. Лекин декорацияга ўрмон сифатида ёки гурппадаги дўстига 1ҳирол сифатида жиддий муносабатда бўлиш мумкин. Шу жараёнда актёр ,ҳобилиятининг яна бир томони - сахнавий ҳақиқатга бўлган ишончи намоён бўлади. Зеро, актёр саҳнада яшар экан сахнавий бадий тўқималарга худди ҳақиқатга қарагандек жиддий ёндошади.

«Жиддийлик! ва «агарда» - театр санъатининг бутун сеҳри, сир-асрори ана шу икки сўзда мужассам бўлган. Актёр ўзи қилаётган ҳаракатларининг ёқх гапираётган гапларининг тўғрилигига ва зарурлигига бўлган қатъий ишончидан келиб чиқади. Агар ижрочи иккилана бошласа, томошабинда ҳам ишончсизлик пайдо бўлади. Актёр саҳнада муаллифнинг сўзларини гапирса, режиссёр қўйган ҳаракат ва мизансценаларни бажарса-ю, аммо шу гап ва ҳаракатларни ўзи учун том маънода англаб олинган ҳақиқатга, заруриятга айлантирмаса, сахнавий ҳақиқат яратилмайди. Шу боис, актёр саҳнадаги барча ҳаракатини, Е.Вахтангов «менга зарур» деган иборасига бўйсундириши керак. «Менга зарур» деган формулани 3 хил маънода талқин қилиш мумкин:

Биринчи «Менга зарур»: бунда актёр айнан шу ҳаракатнинг, шу сўзларнинг ўзи яратётган образ учун зарурлигини англаб олади. Бунга эришиш учун актёр ўзи ва ёки бу сахнавий ҳаракатни, сўзни берилган шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, сабаби ва мақсадини аниқлаб, тўғри тушунириб бера олиши «нимага?» «нима учун?» деган саволларга тўлиқ жавоб топа олиши зарур.

Иккинчи «Менга зарур»: бунинг маъноси, қилинаётган иш, айтилаётган сўз актёр сифатида менга, менинг асабларимга, менинг қалбимга керак. Ҳатта актёр, персонаж ҳатти-ҳаракатини тушунириб

бера оладиган шундай сабабларни топиши лозим, бу сабаблар актёрнинг ҳиссиётига тўлиқ таъсир қила олсин. Натижада образ орзу- армонлари, мақсади, актёрнинг шахс сифатидаги орзуларига, мақсадларига муштарак томонлари пайдо бўлади. Актёрда темперамент уйғонади ва у қўйилган мақсадга эришиш учун кураша бошлайди. Шундай қилиб, «менга зарур» формуласининг 3-қўриниши яъни «манга зарур» юзага келади. Шу формулага риоя қилган ҳолда машқ қилиш актёрда ўз х_атти-ҳаракатининг тўғрилигини исботланиши учун зарур ишонч юзага келади. Ишонч билан бирга эса сахнавий эркинлик пайдо бўлади ва актёр томошабинни сахнада бўлаётган воқеаларга ишонтиради. Демак, юқорида айтганимиздек сахнавий ишончнинг манбаи «нимага?» «нима учун?» саволларига топиладиган жавоблардир. Бундан ташқари яна «қачон?», «қаерда?», «қандай қилиб?», «қайси шароитда?» деган саволларга ҳам сахнавий жавоб топиш ҳам ишончни излаш жараёнига киради.

Бу саволларга жавоблар -сахнавий оқлаш дейилади. Оқламоқ - демак сахнавий ҳаракатни тушунтириб бериш, сабабларини аниқлаб, сахнавий ҳақиқатни юзага келтира олишдир. Оқламоқ спектакл учун тўғри, фойдали актёр учун эса, қизиқ бўлган ҳатти-ҳаракат сабабларини топа олишдир. Актёр сахнадаги мавжуд ва юз берувчи ҳамма нарсани оқлай олиши керак. Масалан, воқеа ўрнини, вақтни, жиҳозлар, сахнадаги барча предметлар-у, костюмларни, гримлар-у, берилган шарт-шароитни, образнинг ҳатти-ҳаракати-ю, уларнинг феъл-атворларини, шунингдек партнерларнинг ўзига нисбатан муносабати ва ҳакозолар шулар жумласидан. Оқлаш - демак ўйлаб топилган нарсаларни ўзи учун бадий ҳақиқатга айлантириш деганидир.

Оқлаш орқали актёрнинг ички техникаси ўсади, такомиллашади. Бундай актёр сахнада ҳеч нарсадан довдираб қолмайди, кутилмаган ҳаракат, ритмик ҳолат унинг образ киёфасидаги ҳаётӣ жараёнини бузолмайди. Демак, сахнада юз берувчи ҳар қандай кутилмаган нарса актёр томонидан оқланиши зарур. Бу актёрлик санъати техникасининг қонунидир.

Назорат саволлари:

1. Сахнавий ҳақиқатга қандай эришиш мумкин?
2. «Менга зарур» - нинг маъноси нима?

5-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Саҳнавий тасаввур ва фантазия

РЕЖА:

1. Актёр тасаввури
2. Актёр тасаввурида сезги органларнинг роли
3. Тасаввур ва фантазия учун машқлар

Адабиётлар.

1. Б.Е.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» 88-111 бетлар.
2. Н.Махмудованинг шу мавзуга бағишланган илмий семинарлардаги маърузаси (кафедра фондида).

Маъруза матни

Санъатнинг ҳар бир соҳасида тасаввур айти шу соҳанинг ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади. Ёзувчининг тасаввури рассомникидан ёки бастакорникидан фарқ қилади. Саҳнавий тасаввурнинг ҳам бошқаларидан фарқи бор.

Тасаввурга эга бўлмаган актёр ҳеч қачон яхши актёр бўлаолмайди. Хўш, актёр тасаввури нима, унинг бошқа санъаткорлардан қандай фарқи бор? Фарқи шундаки рассом ёки ҳаёкалтарош ўз тасаввурини ўзидан ташқарида яратади, актёр эса бундай қилолмайди. Актёр ўзи яратаётган образни ўзи вужудида ҳис қилади ва жонлантиради. Зеро яратаётган қаҳрамони ҳаёти ҳақида ўйлаётганда учинчи шахсда эмас, биринчи шахсда фикрлайди. Тасаввурида пайдо бўлаётган образ ҳаёти билан қўшилиб кетади. Актёрнинг тасаввурини ёш боланикига ўхшатиш мумкин. Чунки болалар ўйин пайтида ўзларини гоҳо шоҳ, гоҳо малика, гоҳ эса саркарда, учувчи деб тасаввур қиладилар ва буни жуда жиддий қабул қиладилар.

Санъат соҳасидаги тасаввур, инсон организмидаги 5 та сезгининг бирортаси билан боғлиқ бўлади. Масалан, рассомда - кўриш, музикачида эшитиш, ҳайкалтарошда сезиш органлари билан боғлиқ. Актёрнинг ижодий тасаввури эса 5 та сезги органининг ҳаммаси қамраб олади. Лекин актёр учун энг асосийси бу унинг ўз танаси, гавдаси, чунки у саҳнада шахсан ҳаракат қилади; - тушунтиради, юпатади, қўрқитади, севги изҳор қилади ва яна қанчадан-қанча бадий вазифаларни бажаради. Демак, актёр акли-идрокини, иродасини, фантазиясини ишга солиб ўз бадий тасаввурини мушакларнинг маънодор ҳаракатлари орқали ифода қилади. Шу учун унга ўз «мушаклари хотирасини» (мускульная память) ўстириш катта аҳамиятга эга.

Ишонч, тасаввур ва фантазияни тарбиялаш учун ҳилинадиган машқлар.

1. «Дикқат» учун қилинадиган машқларни мураккаблаштириб бориш керак. Кузатиш учун танланган объектни талаба ўзи учун «зарур» деб белгилаши лозим. Бундан у ўз-ўзига «нимага?» «нима учун?» шу объектни кузатаяпман, у ёки бу овозларни тинглаяпман ва ҳақозо саволларни бериши, тасаввури ва фантазиясидан келиб чиққан ҳолда ушбу саволларга жавоб топиши керак: Тасаввур дикқатни янаям активлаштиради, унга эмоционал ҳиссий тус беради. Шундан сўнг талаба қай йўсинда, қандай қилиб ушбу объектни ўзи учун зарур деб тасаввур қилганини гапириб беради. Дарс якунида машқни энг яхши ва энг ёмон бажарган талабанинг ҳикоялар таққослаб таҳлил этилади. Бунда педагог ишонч ва дикқат ўртасидаги боғлиқликни ёрқин мисолларда исботлаб бериши мумкин. Шунда талабалар ўз тасаввурлари қанчалик бой бўлса, дикқатлари шунчалик чуқур ва фаол бўлимини, ҳамда фантазиялари шунчалик кенгайиб боришини илғаб оладилар.

2. Тана ҳолатини оқлаш учун машқлар

3. Бундан ташқари педагог бир-бири билан боғлиқ бўлмаган турли хатти-ҳаракатларни таклиф қилиб кетма-кетлигини ўзгартирмаган ҳолда уларни оқлашни сўраши мумкин. Бундай машқлар талабаларнинг тасаввурини янги-янги оқлашлар топиш учун зўр бериб ишлашини таъминлайди.

4. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракатларни берилган шарт-шароитдан келиб чиқиб оқлаш.

Бундан хатти-ҳаракат айнан персонажнинг характер-хусусиятидан келиб чиқиб танланиши керак.

Бу машқлар актёрни ўз хатти-ҳаракатларининг схемасини пьесада берилган шарт-шароитдан ва қаҳрамоннинг характерида келиб чиқиб оқлашга ўргатади. Бу малака талабага келажакда яратадиган роллари устида изланишларида катта ёрдам беради.

5. Суратга қараб, шу суратдаги одамларни ҳар бирини алоҳида, феъл-атвори, касби, бошқа одамлар билан муносабатини аниқлаш машқларини буюринг. Бундай машқлар талаба-актёрда тасаввурдан ташқари кузатувчанликни, хотирани, зийракликни ҳам ривожлантиради.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Саҳнавий тасаввур нима?
2. Актёр тасаввурида сезги органлдрининг аҳамиятини таърифланг.

6-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу: Хатти-ҳаракат

РЕЖА:

1. Органик хатти-ҳаракатни ўзлаштириш
2. Ички ва ташқи сахнавий хатти-ҳаракат
3. Бадий тўқима шароитида хатти-ҳаракат
4. Актёр руҳий-жисмоний табиатининг ривожланиши

Адабиётлар:

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школн Станилавского» Изд. 2 - е. М. Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Талабани сахнага чиқариб ўтказиб кўямиз, у ҳеч нарса қилмайди, фақат ўтиради. Аммо, талаба дарров залдаги томошабинга (мақсадсиз) «ўйнай» бошлайди. Шу боис сахнада нимаки содир бўлмасин, ҳаммаси бирор мақсадли бўлиши керак. Демак, талаба сахнада томошабинга ўзини кўрсатиш учун эмас, бирор бир мақсад билан ўтириш керак. Мисол тариқасида ўқитувчи зарур машқни ўзи кўрсатиб бериши мумкин. Масалан, у сахнага чиқиб ўтириб, лекция дафтарини ўқиши талабаларга нима ҳақда маъруза қилишни ўйлаши ва ўрганиши.

Органик хатти - ҳаракатни ўзлаштириш учун машқлар: 1 - поғона: Талаба, курсдошлари ва ўқитувчи олдида оддий, ҳаётий ҳаракатларни бажариши керак. Масалан, ниманидир яхшилаб кўриши, тамоша қилиши, яхшилаб эшитиши, кидириши, ўқиб бериши, ёдлаши мумкин. Бунинг учун турган жойини ўзгартириш, бир нимани олиш, ўзига-ўзи савол бериш ҳам мумкин. Бундай машқлар талабани тамошабиндан чалғитиш ва кўпчилик олдида танҳо бўла олишга ўргатиш учун қилинади. Буни театр тилида тамошабин олидидаги танхолш дейилади.

2 - поғона: Ўқитувчи берган хатти - ҳаракат мазмунига талаба шарт - шароит топиши хатти-ҳаракат қилиши (Сахнавий импровизация, яъни бадийха қилиши) талаб этилади. Бунда «Бугун, шу ерда, ҳозир» деб ишлаши лозим.

3 -- поғона: Қайтариш. Ўқитувчи берган (машқ) вазифани талаба қайтариши керак. Қайтариқ қилмасдан, ҳар гал янги жило, янги мазмун билан такрор қилиш керак. Фақат этюд-машқнинг бирламчилиги ҳамда

импровизация хусусияти йўқолмаслиги лозим. акс ҳолда, талаба тамонидан хатти - ҳаракатнинг ҳақиқий жараёни эмас, (Масалан, бирор предметни бекитиб қўйиб, талабага қидириш вазифаси берилганда) балки, эслаб қолинган мезансцена қайтарилади. Бу эса, жараённинг фақат ташқи томонидан ҳалос. Бунинг сабаби биринчидан- берилган вазифани ҳаётий талаб ва мақсад билан (сахнавий вазифани ўзи сезмаган, моҳиятини англамаган ҳолда) бажарилади. Иккинчи қайтаришда буюмни қаерда ётганини талаба билади, бунда ҳаётий талаб йўқ ва талаба вазифанинг моҳиятига тушунмасдан, ташқи кўрсатиш билан бажаради. Бундай бўлмаслиги учун биринчи қидирганда жараён қандай элементлардан ташкил топганлигини (орентировка, қабул қилиш, баҳолаш , диққат, мантиқ изчиллик ва х.к.) эслаб қолмоқ ва ўзиники қилиб олмоғи даркор.

Сахнада хатти ҳаракатсиз бир дақиқа ҳам «яшаб» бўлмайди. Драма санъати, актёрлик санъати хатти-ҳаракатга, активликка асосланган. Драма сўзи юнонча бўлиб, «содир бўлаётган ҳаракат» маъносини англатади. Лотин тилидаги «актио», «драма» сўзи мазмунига монанд. Сўзнинг ўзаги эса «акт» у «активлик», «актёр», «акт» шакли ва мазмунида Европа халқлари тилига, шу жумлада рус тилига, у орқали ўзбек тилига ўтган. Сахнада қимирламай хатти-ҳаракат қилиш ҳам мумкин. Бу ташқи, жисмоний эмас, ички психологик (руҳий) ҳаракат бўлади. Сахнада ҳам жисмоний, ҳам руҳий хатти-ҳаракат бўлиши лозим. Талаба учун машқ - вазифа: («Шлейф»ини сўзлаб бўлиб). Стол устида турган 400 минг сўм эди. Ўртоғингизни эшиккача кузатиб уйга кирсангиз пул йўқ! Қидиринг! «Агарда мен» - сах_навий хатти-ҳаракати мазмунли, асосли, мантиқли -- изчил ва х_аётий бўлиши лозим. Бу учун ушбу «Агарда» ни биз ўз тасаввуримиз билан бойитишимиз керак.

Ҳаётда - қандай юришимизни, қандай ўтиришимизни, гаплашиш, қарашимизни, эшитишимизни ҳуллас ҳаётда ички ва ташқи ҳаракат қилишимизни унутамиз. Сахнада эса худди ёш боладай юриш, гапириш, кўриш, эшитишларнинг барчасига қайта ўрганамиз.

Хатти-ҳаракат активликка асосланган. Бу активлик сахна ҳаракатида кўринади. Ролнинг жони ҳам, артистнинг кечинмаси ҳам, пьеса ички дунёси ҳам айнан хатти-ҳаракатда десак муболаға бўлмайди. Биз сахнада кўрсатаётган одамлар ҳақида унинг хатти-ҳаракатлари, қилган ишлари орқали ҳукм чиқарамиз ва уларнинг кимлигини билиб оламиз. Буларга айнан хатти-ҳаракат орқали эришамиз.

Тўқима шароитда қандай хатти-ҳаракат қишшимиз мумкин? Саҳлада ҳлр доим сеҳрли «агарда» ни ишлатиб хатти-ҳаракат қилиш керак. Масалан, ҳақиқий дарс кетаяпти. Агарда шу дарс ҳозир соат 13.00 да эмас, кечаси 1.00 да бўлаяпти. Нима учун? Ким қандай хатти-ҳаракат қилаяпти?

Бошқа машқ. Талаба аудитория бўйлаб юрсин! Масалан, олма териши мумкин, олма тераётганда ёмғир ёғиб кетди. Оқлаш керак. Устахонада юргани учун хатти-ҳаракат техникаси ўзлаштирилган боис албатта унда савол туғилади: Қачон, қаерда ва нега? Унга жавоб бериш керак.

Яна бир неча машқ. Масалан, эшикдан кириш, стулдан туриш, ўтириш, партнёр қўлини сиқиш. Ҳамма хатти-ҳаракат «агарда» ва юқоридаги 3 та савол билан вазифалар аниқланади. Эшикдан секин кириш. «Нима учун саволини беринг! Эшикдан тез кириш. «Нима учун саволини беринг! Палтони тез ечиб ташланг. Яна ўша саволни беринг Палтони нимага ечаётганингизни айтинг оқланг.

Хатти-ҳаракатлар мантихи. Машқ бошида мантиқ йўқ. Талабага вазифа берилади. Хонага кириш, ойна олдида бориш ва стол тагига кириб, сўнг югуриб чиқиб кетиш. Механик тарзда бу машқни бажаргандан кейин, талаба уни бадиий тўқима билан «оқлаб», машқни қайтариш керак. Масалан, «ўқишдан уйга келиб, ойнани очган эдим, ойнадан копток учиб кириб, стол тагига кириб кетди. Мен коптокни олиб, кўчага югуриб чиқиб кетдим».

Руҳий ва жисмоний табиатни ривожлантириш учун актёр-талаба саҳнавий хатти - ҳаракат элементлари устида пухта ишлаш керак. Яъни сезиш, эслаб қолиш, образли кўриш, тасаввур қилиш, шарт - шароитни ҳис этиш, мантиқий - изчил хатти-ҳаракат қила билиш, фикрлаш, объект жисмоний ва нутқий таъсир қила олиш, овоз, нутқ ва пластик характерлик, ритмни ҳис қилиш, группировка, мезансцена ва бошқалар, шулар жумласидан.

1 - курс, 1 - ярим йилликда Гиппиуснинг « Гимнастика чувств» -қўлланмаси асосидаги машқлар устида ишланади.

Назорат саволлари:

1. Органик хдтти-ҳаракатни қандай ўзлаштириш мумкин.
2. «Активлик» - нима дегани?
3. Тўқима шароитидаги хатти-ҳаракат нима?

7-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Талабада ички шайлик.

РЕЖА:

1. Ички шайлик машқлари.

Адабиётлар:

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школом Станилавского» Изд. 2 - е. М. , Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Талабада ичкм шайлик, йиғиқлик, партнёрнинг хис этишни, мавжуд бўлиши, сахнавий ҳаракатга киришишга тайёр бўлиши демакдир. Талабалар ўқитувчи хонага кирганда, ўзлари хоҳлаганча туриб, шовқин-сурон билан палапартиш салом берадилар. Ўқитувчи бу вазифани талабалар токи х амжиҳатликда, тез, шовқинсиз, енгил ва чиройли бажармагунларича қайта-қайта такрорлаши лозим. Кейин шовқинсиз жойларини мебеллари ўрнини алиштиришни, стулларини кўлга олиб ярим доира шаклида ўтиришни ва яна ўрин алмашиши. Кўзни бекитган холда бу машқни қайтаришни, бир вақтда туриш, стулни тўғри қўйиш, доира шаклида стулни қўйиш ва бирга ўтиришни машқ қилиш керак. Бу машқларни аввал қарсак ёрдамида бажарилади, кейин бир бирига қараб, бир-бирию:: сезиб, қарсаксиз бажарилади. Темпоритм асосида (Гиппиус машқ турпича бўлади). Мисол учун, печат машинкаси. Кўшиқни ярмини ичида, ярмини бор овозда ижро қилиш ёки иккита гуруҳда ва бошқа -- бошқа қўшиқлар бўлиши ҳам мумкин. Бу машқлар диққатни чархлайди, топқи]ҳликни, партёрни хис қилишни, коллективликни, сидқидилликни ршюжлантиради, уятчанликни йўқотади, реакция, ички тайёргарликни, ҳаракатни пайдо қилиш, умум ишга доимо шай бўлишни тарбиялайди.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Ички шайлик деганда нимани тушунаси?

**8-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу: Қабул
(идрок) ки. мпи ва кузатувчанлик.**

РЕЖА:

1. Сезиш ва хис қилиш органлари.

Адабиётлар

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школьх Станилавского» Изд. 2 - е. М. , Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Ташқи оламни қабул (идрок) қилиш учун, актёр-талабанинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш, таъм билиш органлари биринчи навбатда ривожланган бўлиши керак.

Машқ. Хонадаги яқин ва узоқ объектни айтиб бериш. Бир хил рангдаги хонанинг буюмларини айтиб бериш. Ўртоғи бажарган позаларни қайтариш. Стол устидаги предметларнинг жойлашишини эслаб қолиб, ўзгартирилгандан кейин жой -- жойига қўйиш ва айтиш. Бир -бирининг кўзи, сочи рангини сўзлаб бериш.

Машқ. Эшитиш аппаратларини ишга солиш. Хона, кўча, коридорни эшитиш.

Машқ. Сезиш. Бирор материални кўзни беркитиб ушлаб кўриш, формасини аниқлаш, размерини сезиш ёки хона температурасини, ўртоғининг кийимини сезиш ва х.к.з.

Таъм билиш органлари учун машқ.

Хуллас талаба бу машқларни бажарганда ўзига-ўзи нима учун бу машқларни қиялпман? Нима учун хонани танимаяпман? Эшитяпман? Сезяпман? Каби саволларни бериши ва ўзи унга жавоб топиши лозим. Мисол учун мен тез ёрдам машинасини кутяпман, ўртоғим ўлим тўшагида вах.к.з.

Кўчада юрган одамларни кузатиш зарур. Неча ёшда, касби, ички хрлати ва бошқа саволларга жавоб топмоқ лозим. Кузатиш ва инсондаги органик жараённи мантиқан тахлил қилиш актёр учун жуда зарурдир.

Қабул идрок қилиш ва кузатувчашшкни ривожлантириш учун, Гиппиус кўлланмасидаги машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофикдир.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Қабул (идрок) қилиш ва кузатувчашшкда сезиш ва ҳис қилиш органларининг ўрни?

9-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Актёр учун дадиллик.

РЕЖА:

1. Дадилликка ўрганиш.

Адабиётлар

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школьх Станилавского» Изд. 2 - е. Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Саҳнада адашишдан қўрқмаслик керак. Саҳнада ижро вақт ҳақиқат тўғрисида ўйламай, хатти-ҳаракатни ўйлаш керак. Саҳнад; қўрқиб ёлғон натижага олиб келади, ёки Станиславский айтганиде! «Ҳақиқат учун, ҳақиқатни сохта ўйнаш» юзага келади. Талабада қўрқув, уялиш, ўнғайсизлик саҳнада кулгили ўнғайсизликни пайдс қилади. Бу камчиликни ечишда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Талабадс эса бунинг учун қатъийлик ва ирода бўлиши, қўрқмай саҳнага чиқиш! лозим.

Талабада дадилликни тарбиялаш учун Гиппиуснинг «Ҳис - туйғулар гимнастikasi» қўлланмаси машқларидан фойдаланса бўлади.

«Позаларни оқлаш». Масалан, - кутилмаганда сигнал бўйича бақариш, қўрққандан, хурсандчиликдан кулиш ва йиглаш. Бу вазифаларни ўйламасдан тез бажариш лозим. Талаба ёш боладек ишонувчан бўлиши ва шарт-шароитни аниқлаб мантиқли хатти-ҳаракат қилиши керак.

Г

Назорат саволлари: 1. Дадилликга қандай
эришиш мумкин?

10-МАЪРУЗА (2 соат)

Мавзу: Темп ва ритм.

РЕЖА:

1. Темп.
2. Ритм.
3. Темпо - ритм ўзгариши.

Адабиётлар

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школм Станиславского» Изд. 2 - е.

М.

Искусство 1978 г.

2. К. С. Станиславский «Актёр ўз устида ишлаши» Тошкент бадий адабиёт нашрети 1965Й.

Маъруза матни

Темп ижро ҳаракатининг тезлиги. Масалан ички ҳолатимизга қараб, секин, тез, ўрта ҳаракат қилишимиз мумкин.

Ритм фақатгина тезлик эмас. Бунинг ичига актёрнинг фаол сахнавий хатти - ҳаракати, ички кечинмаси, эмоционал яшаши киради ва уларнинг бари сахнавий воқеа билан боғлиқ бўлади.

Бирор одамни ритмик ҳаракат қилаяпти, ритмга мос иш қилаяпти, тўғри ритмда нафас олаяпти деб гапирамиз. Бунда нима назарда тутилади? Бунда инсоннинг бир хил, силлиқ, сиқикликсиз, осойишта тўхтамлар билан хатти - ҳаракат қилиш назарда тутилади. Бунинг акси -бирор касал одамнинг юрак уриши, чўлоқ одамнинг юриши, дудуқ одамнинг нутқи, ритмсиз ёмон ташкил этилган ишларни ҳам (сахнавий воқеликка алоқадор бўлса) шунинг ичига қўшамиз.

Аслида темп ва ритм атамаси мусиқа лексиконига тегишли. Темп ва ритм бир бири билан узвий боғлиқ. Актив ритм хатти ҳаракат жараёнини тезлаштиради, ёки аксинча, сустлашган ритм ўзининг ортидан секинлашган хатти - ҳаракатни олиб келади. Яна бошқа вариант - шахмат ўйинида жуда секин темп бўлиши мумкин, аммо ижрочиларнинг ички ритми жуда актив бўлади.

Темп, хатти -- ҳаракатининг ташқи тамонини тезлигини билдиради. Ритм, актёр ролининг ички ҳолатидир.

Темп ва ритм ҳаракатининг ўзгаришига шарт - шароитга боғлиқ.

Машқлар. Яшаш, юриш, туриш, кайрилиб боқиш, саломлашиш, ўтириш, бирор буюмни олиш. Буларни ҳар - хил темпо-ритмда ишлаб кўриш мумкин. Ишлаётган шу темп билан тамошабинда қандайдир таассурот қолдиришингиз мумкин. Ўзингизнинг ритмингиздан ҳар хил ҳиссиётлар келиб чиқаётганини ўзингиз сезасиз. Кийиниш машқи:

1. Институтга кеч қолаяпсиз.
2. Ёнаётган уй ичида кийиниш керак.
3. Дам олиш куни, борадиган жой йўқ, кийинаяпсиз...

(Яна бошқа машқ «Метроном»).

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Темп - ритм деганда нимани тушунасиз?
2. Темпо - ритм ўзгариши нимага боғлиқ?

11-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Сезиш ва хис қилиш хотираси.

РЕЖА:

1. Эмоционал (ҳиссий) хотира.
2. Кўриш хотираси.
3. Эшитиш хотираси.
4. Сезиш хотираси.
5. Таъм билиш

Адабиётлар

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школьх Станилавского» Изд. 2 - е. М. , Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Актёр идрок органларининг ривожланиши ҳақида, яъни уни кўра олиш, эшита олиш, х_ис қилиш, ва атрофни кузатиш қобилиятлари ҳақида ҳозиргача гапириб келинган. Аммо актёрга, ҳаётни борлиғи билан тўла қабул қилиш ва кузатиши муҳим эмас. Ҳис қилганларини ва самарали кузатувларини ўз ҳиссий хотирасида сақлай билиши муҳим. Сизгига асосланган хотира бу ҳаётини образларини фикран қайтадан ишлаб, жонлантириш қобилиятидир. Бу ҳақда Гоголь «рассомга йўқ нарсаларни, худди улар кўз олдимизда тургандек қилиб тасвирлаш хосдир» деган. Бу ижодий лаёқат маъносини бундан лўндарок баҳолаш қийин. Зеро, ўз тасаввуримизда ҳаётини образларни қайтадан ишлаб чиқаётиб, уларнинг идроклари билан боғлиқ бўлган ҳиссиётларини ҳам ўзимизда бир вақтнинг ўзида эслаб намоён қиламиз. Бошқа сўз билан айтганда, сезгига асосланган хотира орқали биз аввал ҳис қилинган туйғулар хотираси • эмоционал хотирага ҳам таъсир ўтказамиз.

Эмоционал хотирага тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, қониқарсиз натижага олиб келади. Бу ҳақда Станиславский - «Онг халтасига жазосиз кириб олиш ва уни қовлаш мумкин эмас» деб ўргатган. Зеро, эмоцияларни оддий хоҳиш кучи билан қақариш мумкин эмас. Ўз организмни бундай мажбурлаш, актёрни рухий сиқикликка олиб келади. Кўпинча актёр драматик воқеа ҳақида гапираётиб, унга мос ҳиссиётларни кўз хотираси, эшитиш, мушак ва бошқа хотиралар ёрдамида бутун тавсилотлари билан қайта тиклайди. Натижада актёр томошабин кўз ўнгида янги куч билан.

аввал ҳис қилган ташвиш, алам,курқув, қайғуриш ҳолатларини узида тирилтиради.

Ёзувчи, рассом, бастакор ва актёрлар сахнабоп ҳаракатлар, расмлар, муסיқа ва китоблар ёрдамида тасаввуримизга таъсир қилиб, ўйлаб топилган асар қахрамонлари тақдири устида бизларни йиғлашга, қулишга, ташвиш чекишга мажбур қиладилар. Сезгига асосланган хотира ва у билан боғлиқ бўлган ҳиссий хотиралар, рассом учун алоҳида маъно касб этади, улар ижодини озуклантирувчи хом ашёё саналади.

.Аниқ кўриш ва эшитиш, таассуротларни ёрқин қабул қилиш ва хотираларида мустаҳкам сақлаш қобшшятларидан маҳрум инсонлар, ўзларини актёрлик касбига бахшида қилишдан ҳам маҳрум саналадилар. Бу ҳақда А. Островский, «Табиатдан аниқ эшитиш, қуриш туйғуларини олган, шу билан бирга ҳиссий таъсирга тез берилувчан кимсаларни биз актёрликка мос инсонлар деб ҳисоблашимиз мумкин. Шундай қобилиятларга эга инсонларда, ҳар бир руҳий ҳолатнинг, ҳаракатнинг барча ташқи ифодалари, жуда ёшлигидан бошлаб қалбида муҳрланиб қолади ва хотира орқали зарур вақтда чақирилиши мумкин. Ҳис қилган туйғуларини хотирада сақлай олиш қобилиятини тарбиялаб мукаммаллаштириш ва ривожлантириш мумкин.

Театр санъати педогогикасида мана шу мақсад учун, алоҳида усул ва машқлар ишлаб чиқилган. Мана шу машқларнинг энг содда шакли -хотирада кўриш, эшитиш орқали ҳаққоний-ҳаётий образларнинг тикланишидир. Талабаларга таниш хонадоннинг уй жиҳозларини, денгиздан, тоғлардан, гигант қурилишлардан олган биринчи таассуротларини, машҳур рассомнинг расмини, архитектура ёдгорлигини, синфдошларнинг ташқи кўринишини эсга олиш таклиф қилинади.

Эшитиш қобилиятининг хотирасига асосланган бир неча машқларни тавсия қилиш мумкин. Масалан, шамол ва ёмғирнинг шовқинини, момақалдиरोқнинг гумбурлашини, тўргайнинг сайрашини, таниш овознинг тембрини, машҳур қўшиқнинг муסיқасини эслаш. Шунингдек бинафшанинг, атир гулнинг, янги пичаннинг ҳидини, ханталнинг, лимоннинг, винонинг таъмини, иссиқ ва совуқ сувни, тиш оғриғини, ёзги жазирама кунни ҳис қилиш туйғусини эсга олиш. Денгиз билан боғлиқ хотираси кўплаб туйғулар хотирасини ўз ичига олади. Булар, бир томондан иккинчи томонга қараб ҳаракатланаётган ваҳимали

тўлқинларнинг кўриниши ёки унинг қирғоққа келиб урилишидаги шовқин, денгиз сувининг шўр таъми, ўзига хос ҳиди, унинг ҳарорати ва бошқалар.

Шулар жумласидан машқларда аввал ҳис қилган туйғуларни аниқ эсга олишга эришиш муҳимдир.

Бундай ҳодисалар билан боғлиқ машқларнинг натижаларини, текшириш қийин. Аммо, текшириш мумкин бўлган машқлар ҳам анча. Масалан, хотира бўйича буюмнинг шаклини, костюмнинг фасонини, архитектура иншоатининг кўриниши, кўрилган спектаклнинг плани ровкасини тасвирлашни тавсия қилиш мумкин.

Ҳайкалтарошлик асарини ўз гавдаси билан тақлид қилиб кўрсатиш, дарсда катнашувчи болалар ёрдамида машҳур рассомларнинг расмларидан мизансценалар тизими ҳиссий туйғуларни тарбиялашга ёрдам беради.

Сезгига асосланган хотиранинг ривожлантиришдаги кейинги босқичида нафақат у ёки бу ҳодисани, образни хотирада тиклаш ва эсга олишдан иборат, энди уни сўзлар билан тасвирлай олиши, ўзининг ҳаёлий образларини эшитувчиларга юктира олиши ҳам муҳим. Бу энди сўзли ҳаракатга тегишли машқ. У ҳақда муаллиф матни устида олиб бориладиган иш ҳақидаги иккинчи курс дастурида аниқ ва равшан гапиради. Бироқ биринчи курс бошланишида ҳам сўзли ҳаракат муаммоси пайдо бўлади, чунки машқлар ва этюдлар жараёнида, талабалар сўз билан мурожаат қилишларига тўғри келади. Бунда улар муаллиф матни билан эмас, ўз сўзлари билан иш олиб борадилар. Лекин бу икки жараён ўртасида жиддий фарқ йўқ.

Назорат саволлари:

1. Сезиш ва ҳис қилиш хотиралари нечта?
2. Сезиш ва ҳис қилиш хотираларининг ҳар бир турига таъриф беринг.

12-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Органик жараён.

РЕЖА:

1. «Агарда».
2. Шарт - шароит.

Адабиётлар

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школы Станилавского» Изд. 2 - е. М., Искусство 1978 г.

Маъруза матни

Ҳақиқий актёр сахнада ҳаётдагидай кўришни, эшитишни, фикрлашни, хис қилишни, хатти-ҳаракат қилишни билиши керак. Шу боис, талаба тўғри қабул қилишни, бахрлашни, тўғри ҳал қилиб ечишни ва ўзининг таъсир кучини турган объектларга ўтказишни ўрганиши керак. Шунинг билан чиқармаслик керакки органик жараён беихтиёр, қутилмаганда содир бўлиши лозим.

«Агарда»нинг сири шундаки, у реал, ҳозир содир бўлаётган факт ҳақида эмас, балки энди юз бериши мумкин бўлган нарсани ҳақида гапирди. «Агарда» ҳеч нарсани тасдиқламайди. У фақатгина фарз қилади, масалани ҳал қилишга ҳавола қилади ҳалос.

Шарт - шароит, бу пьесанинг фабуласи, фактлари, воқеалари, даври, воқеа ўрни, вақти, ҳаётининг шароитлари, асарининг актёр ва режиссёр томонидан тушунилиши, мизансценалари, бутафорияси, ёритилиши, сахнадаги турли-туман товушлар, шовқинлар ва ҳ.к.з. лардир. Ижод даврида аҳамият бериш лозим бўлган барча элементлар шарт-шароитга киради. «Агарда» - ижодни бошлайди, «берилган шарт-шароит» - эса уни таракқий эттиради. Хуллас «агарда» талаба учун энг керакли ва «сеҳрли» сўз. Ўқиш даврининг 1-кунлариданок талабага маҳорат эгаллашида ёрдам беради. Ҳар бир машқда, ҳар бир сахнада «Агарда» ишлатилади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Сеҳрли «Агарда» деганда нимани тушунасан?
2. Шарт-шароит нима?

13-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Мантиқ ва изчиллик.

РЕЖА:

1. Мантиқ ва изчилликнинг санъатдаги роли.
2. Беихтиёр ва одатий хатти - ҳаракатлар.
3. Хатти - ҳаракатнинг мантиқ изчиллигини ўзлаштириши.
4. Кичик ва катта, ички ва ташқи хатти - ҳаракатлар.
5. Ҳис - туйғулар мантиқ ва изчиллиги.

Адабиётлар. 1. К.С.Станиславский «Актёрнинг ўз устида ишлаши». Тошкент 1965
йил. 2.Маъмур Умаров: «Мантиқ -изчиллик» қўлланма. Тошкент 1998 йил институт кутубхонаси фондлари.

Маъруза матни

Мантиқ ва изчилликдан бизнинг санъатимизда қандай фойдаланиш керак? Йиллар давомида ўзлаштирилган механик кўникма бизни ҳаракатга келтирувчи мускулларимиз системасига ёки хотирасига сингиб кетганлиги учун биз ҳаётда жуда мантиқли ва изчил ҳаракат қиламиз. Мантиқ ва кетма-кетликнинг назоратсиз ҳаётдаги зарур хатти -ҳаракатларни амалга ошириб бўлмайди. Масалан, бир стакан сув ичиш учун, аввало графин қопқоғини олмоқ, стаканни яқин қўймоқ, графинни қўлга олмоқ уни стаканга оғдириб, сув қуймоқ зарур. Агар биз шу изчилликка амал қилмасак, масалан, стаканни тутмасдан, сув қуйишни бошласак, ёки графиннинг шиша қопқоғини олмасдан, уни стаканга энгаштирсак, у ҳолда биз сувни ёки тўкамиз, ёки графин қопқоғи стаканни синдиради. Мана шундай изчилликка риоя қилиш, айниқса мураккаб хатти - ҳаракатларда зарур. Шуниси қизиқ - ки, сахнадаги энг оддий хатти ҳаракатларда ҳам, биз мантиқ ва изчилликни йўқотамиз. Масалан, спектаклларда актёрлар қўлларида май лиммо -лим тўла қадаҳларни бемалол чайқатадилар, шундай катта қадаҳларни бир кўтаришда қоқилмай, тикилмай сипқориб ташлайдилар. Агар уларни сахнада қилган ишларини ҳаётда қайтариб кўрилса, ё одамга тикилиб қолади, ёки қадаҳдаги май уст - бошига тўкилиб кетади. Мана шундай мантиқсиз ва изчил бўлмаган ҳаракатларни актёрлар сахнада асрлар оша қайтариб келишади. Бунинг сабаби, қоғоздан ясалган қадаҳ ичидаги «май»ни ҳаётдагидек ичишга ҳаракат қилинмаганлигидан. Хатти

ҳаракатларни бажариш учун, мантиқ ва изчилликка ўзларида муҳтожлик сезмаганликдандир.

Ҳаётда иш жараёни бажариш учун бош қотириб ўтирилмайди, шунга қарамасдан бизнинг хатти -- ҳаракатларимиз мантиқли ва изчил (кетма - кет) дир. Нега шунақа? Чунки, шу ҳаракатлар ҳақиқатдан ҳам биз учун зарурдир. Шунинг учун мушаклар хотираси одатий, зарурий ҳаракатларни беихтиёр туйғу билан тўғри бажара олади. Зеро, кундалик ҳаётимиздаги ҳар бир беихтиёр ёки одатий хатти - ҳаракатимизда мантиқ ва изчиллик мавжуд. Улар ҳамма вақт ҳаётимиз учун зарурият пайдо бўлган вақтда беихтиёр равишда қатнашадилар. Саҳнавий хатти -ҳаракатлар бизнинг инсоний табиатимизга (ҳаётимизга) зарурати йўқ. Биз уни керак эканлигига ўзимизни ишонтирмакчи бўламиз. Зарурати йўқ нарсани амалга ошириш азоб. Бундай пайтда хатти - ҳаракат асосли эмас, шунчаки, «умуман» бажарилади, бу ўз навбатида саҳнанинг салбий маънодаги шартлилигига, театр кўз бўямачилигига олиб келади.

Хўш, тузатиш учун нима килмоқ керак? Кичик, алоҳида - алоҳида ҳаракатларни мантиқ ва изчиллик асосида танлаб, бир - бирига боғлаб, асосий хатти - ҳаракат барпо қилиш керак

Саҳнавий хатти ҳаракатнинг мантиқий йўналишини ҳис қилишимиз биланоқ, уни саҳнада, ҳаракатлар изчиллигига риоя қилган ҳолда бир неча бор қайтаришимиз зарур. Натижада хатти-ҳаракатимизга жон кириб мушакларимиз ва жисмимиз хотирасида қолади. Ана шунда сиз ҳаракатингиз асл ҳақиқатни ҳис қиласиз, ҳақиқат ўз навбатида қилиниётган ишга ишонч пайдо қилади.

Қачонки артист ўз хатти ҳаракатларини (кетма - кет) изчил, мантиқ асосида кўришга ўрганса ва шунга кўникса, қачонки вужуди табиий ҳаракатларни сингдирса, шундагина тўғри топилган хатти ҳаракатлар ролнинг руҳиятини жонлантиради, худди ҳаётдагидек беихтиёрийлик юзага келади.

Фикрлаш жараёнида, истакда, ички кўришда, тасаввур тўқимасини барпо қилишда, вазифалар ва етакчи хатти-ҳаракатларда, узлуксиз мулоқотда, мослашмада мантиқ ва изчиллик муҳимдир.

Хатти - ҳаракат мантиқини ва изчиллигини қандай ўзлаштириш мумкин? Баъзи бир тайёргарлик ишлари нималардан иборат?

Бу тайёргарлик ишлари ўз диққатингизни ички ва ташқи аппаратингизни кузатишга ўргатишдан иборат. Ишни сизга нисбатан осон ҳисобланган буюмсиз ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллигини

ўрганишдан бошланг. Худди биз пул санаш машқида қўллагандек этюднинг бошлангич, ёндашиш саҳнасидагидек.

Бундай машқлар, таркиб майда хатти - ҳаракатларнинг мантик ва изчиллигини чуқурроқ ўрганиш натижасида яхлит, йирик хатти ҳаракатни бунёд қилишга ўргатади. Шундай зурурият бор экан, демак, узлуксиз машқлар билан кўзни пишитиш, қўлни ўргатиш, буюмсиз хатти -ҳаракатнинг турли кўринишларини олиш, улардан яхлит «саҳналарх барпо ҳилишга ўзни ўргатиш даркор.

Ҳақиқат барпо бўлган жойда ишонч пайдо бўлади,ишонч бор жойда - беихтиёрлик остонаси кўринади. Шундай машқлар ёрдамида диққатингизни маълум даражада, интизомга бўйсундиргач, энди уни қалбингиз ичкарисига йўналтиришга ўргатинг.

Бу бўлимда янада юксак даражадаги х.ис туйғу мантиқи ва изчиллиги зарур. Бу ваҳимали сўзлардан *цўрцувга* тушманг. Талаб қилинаётган нарса сиз тасаввур қилган даҳшатга нисбатан осонроқ. Маслаҳат берилаётган нарсалар - қуйидагилардан иборат. Қандайдир руҳий ҳолатни, кайфиятни, бутун бир эҳтиросли ҳис - туйғуни узлуксиз кичик ва катта, ички ва ташқи хатти -- ҳаракатга айлантиринг. Бу нима дегани?

Масалан, сиз зерикиш руҳий ҳолатини танладингиз. Куз оқшоми, эрта тушган салқин, қишлоқ, ёмғир ва намгарчилик, ёлғизлик, қуриган шохлар, барглار овози, воқеа ўрни - танишларингиз ҳовлиси ,бу ерда сиз қачондир яшагансиз ёки бўлмаса сиз хаёлан тиклай оладиган таниш жой. Танланган шароитларингиз, ҳолатингиз, вақт иложи борица содда ва қулай бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ички руҳий ҳолатни, х_аракатлар мантиқи ва изчиллигини англаш ва аниқлаш учун биз ўткинчи, эсда қолмайдиган ҳиссиётларга, мураккаб руҳиятга мурожаат қилмасдан, балки вужудимизга, унга таниш бажара олиш мумкин бўлган аниқ жисмоний хатти-ҳаракатларга мурожаат қиламиз.Биз уларнинг мантиқ изчиллигини илмий сўзлар билан ,психологик атамалари билан эмас, оддий жисмоний хатти-ҳаракатлар билан англаймиз, аниқлаймиз, эслаб қоламиз. Агар улар ҳавдоний, сермахсул ва мақсадга мувофиқ бўлса, агар улар ичдан оқланган самимий инсоний кечинмалар бўлса, унда *ташиқи* ва ички хаёт ўртасида узвий боғлиқлик пайдо бўлади .

Севги тушунчаси деганда нимани тушунамиз. У қандай лаҳзалардан иборат? Бу шароитда инсон ҳиссиёти (эҳтироси) қандай хатти ҳаракатларга ундайди:

Қиз билан йигитнинг учрашуви:

Дарҳол ёки аста секин эътиборнинг тортилиши (бўлғуси севишганлар) диққатининг бир - бирига тобора орта бориши. Уларнинг учрашув онларининг таъсирида яшаши. Янги учрашувга сабаблар излаш баҳонасини қидириш.

Иккинчи учрашув... тез-тез учрашиб туриш, умумий қизиқишлар билан боғланишга ҳаракат қилиш.

Кейин янада яқинлаштирадиган биринчи сир.

Доимий учрашув ва мулоқот талаб қиладиган дўстона маслаҳатлар ва ҳоказо.

Биринчи келишмовчилик, жанжал, шубҳа. Ярашиш учун янги учрашувлар. Ярашиш. Янада яқинлик хис қилиш ва ҳ. Ундан кейин:

Учрашишга ҳалақит берадиган тўсиқлар. Махфий хат алмашишлар. Ҳуфиёна учрашувлар. Биринчи совға. Биринчи бўса ва ҳ.к.з. Яна:

Мурожаатдаги дўстона ҳазил - ҳузуллар. Бир - бирига талабчанликнинг ортиши. Рашк. Айрилиқ. Ажралиш. Яна учрашиш. Кечирим ва ҳ.

Бу лаҳзалар ва хатти ҳаракатларнинг барчасини ички асоси бор. Улар бари биргаликда ички туйғу, эҳтирос ёки ҳолатни, биз бир оғиз сўз билан атайдиган «севги» хиссиётини ифодалайди.

«

Узимизга шундай савол берсак:

«Агарда ижрочининг шароитида бўлиб қолсам, мен нима қилган бўлардим?». Бу саволга ўзингизнинг шахсий тажрибангиз ва ҳаётининг кечинмаларингиз билан узвий боғлиқ бўлаган табиатингизнинг ўзи жавоб беради.

Албатта бу дегани, сизнинг тажриба ва интилишингиз, ижро қилмоқчи бўлган шахсингизнинг, тажриба ва интилишлари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт деган гап эмас. Бу ўринда катта тафоввот бўлиши

мумкин. Аммо шуниси муҳимки, сиз ижро қилмоқчи бўлган ролнинг шароитларига актёр сифатида бегонага қарагандек ҳукм чиқарманг.

Сиз инсонни инсонга берган баҳосидек муносабат билдиринг.

Хулоса қилиб, шунини таъкидлашим мумкин, сизга аллақачон аниқ бўлдики, фақат мантиқ ва изчиллик ижод жараёнида жуда муҳим ва аҳамиятлидир.

Айниқса, улар ҳис туйғуни амалда қўллаш бобида бизга ас қотади. Ҳис - туйғунинг мантиқи ва изчиллиги билиш бизни сахнада тез -тез содир бўлиб турадиган катта хатолардан асраган бўларди. Агарда биз ҳис -- туйғунинг мантиқли ва изчил ривожини яхши билганимизда борми, биз унда унинг таркибий қисмини ҳам аниқлаган бўлардик. Биз унда ролнинг кенг туйғусини борлигича қамраб олишга урунмасдан мантиқ асосида, изчиллик билан шошмасдан бўлақларга бўлиб, тахлаб чиқардик. Бўлақларнинг таркибий қисми ҳақидаги билимимиз ва уларнинг мантиқи бизга қалбимиз руҳининг ҳаётини бошқаришга имкон яратарди.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Мантиқ-изчилик санъатда қандай ўрин тутади?
2. Ҳатти-ҳаракат мантиқини ва изчиллигини қандай ўзлаштириш мумкин?

мумкин. Аммо шуниси муҳимки, сиз ижро қилмоқчи бўлган ролнинг шароитларига актёр сифатида бегонага қарагандек ҳукм чиқарманг.

Сиз. дасрнци инсонга берган баҳрсидек мунорабат билдиринг. ¹ Хул©|СЯ'арад-иб, шуни таъкидлашим муэдкин, сизга аллақачон аниқ бўлдики, фақат мантиқ ва изчиллик ижод жараёнида жуда муҳим ва аҳамиятлидир.

Айниқса, улар ҳис - туйғуни амалда қўллаш бобида бизга ас қотади. Ҳис - туйғунинг мантиқи ва изчиллиги билиш бизни сахнада тез -тез содир булиб турадиган катта хатолардан асраган бўларди. Агарда биз ҳис -- туйғунинг мантиқли ва изчил ривожини яхши билганимизда борми, биз унда унинг таркибий қисмини ҳам аниқлаган бўлардик. Биз унда ролнинг кенг туйғусини борлигича қамраб олишга урунмасдан мантиқ асосида, изчиллик билан шошмасдан бўлақларга бўлиб, тахлаб чиқардик. Бўлақларнинг таркибий қисми ҳақидаги билимимиз ва уларнинг мантиқи бизга қалбимиз руҳининг ҳаётини бошқаришга имкон яратарди.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Мантиқ-изчилик санъатда қандай ўрин тутарди?
2. Ҳатти-ҳаракат мантиқини ва изчиллигини қандай ўзлаштириш мумкин?

**14-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу: Тасаввурдаги
буюмлар билан хатти-ҳаракатлар
Ва уНИ ҲИС КИЛИШ.**

РЕЖА:

1. Буюмсиз жисмоний хатти - ҳаракат машқлари.
2. Хатти - ҳаракатларнинг бўлаклари.
3. Мантиқ изчиллик.
4. Диққатни йиғиш.
5. Шарт - шароит.
6. Машқдан этюдга ўтиш.
7. Тасаввурдаги буюмлар билан хатти - ҳаракат қилиш турлари

Адабиётлар:

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школы: Станилавского» Изд. 2 - е. М., Искусство 1978г.

Маъруза матни

Актёр сахнада қилган ҳар бир ҳаракатидаги барча ишларига кўникма ҳосил қилиши ва ўз жисмида сахнадаги хатти ҳаракатларининг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишни аста - секинлик билан тарбиялаб бориш керак. Бундай тарбиянинг дастлабки босқичида талабаларнинг тасаввурдаги буюмлар билан хатти-ҳаракат қилишга ўргатилади. Бунда диққат, мускуллар бўшлиғига эришиш, ишонч, тасаввур ва фантазия, омма олдида танҳоликнинг жараёнлари катта ўрин тутади.

Буюмсиз ҳаракатлар фикрни бир жойга йиғишни, тасаввурни, ўткир кузатувчанликни, аввал ҳис қилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини, мантиқ ва кетма-кетликни талаб қилади.

Тасаввурдаги буюмларга асосланган машқлар, актёрлик машқига кирган ҳолда ҳам, улар кўпинча юзаки, ижод билан чуқур боғлиқликни тушунмаган ҳолда бажарилади.

Машқларга бундай ёндошганлар актёр табиатни кўзгата олмайди ва ҳеч қандай натижага эриша олмайдилар. Шу боис, уларга бажараётган хатти-ҳаракатларини ҳақиқатдан ҳис қилишга даъват қилмоқ лозим. Акс ҳолда талабалар ёлғон актёрлик ўйинига ишониб, фойда ўрнига зарар оладилар.

Нега жисмоний хатти - ҳаракатларнинг мантиқ ва кетма-кетлигини реал буюмларга асосланган машқларда ўрганиб бўлмайди? Тасаввурдаги

буюмларга мурожаат этишнинг нима кераги бор? Буюмсиз хатти-ҳаракатларга асосланган машқлар, ҳаётда тез-тез қайтарилиши туфайли, механик тарзда бажарилувчи оддий жисмоний ҳаракатларнинг мантиқи ва кетма-кетлигини чуқур англаб тиклаб олишга ёрдам беради.

Реал буюмлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ихтиёрсиз, ҳаётий тажрибага асосланган механик тарзда бажарилади, талаба бу жараёни кузатишга улгурмайди. Уларни илғаб олиш қийин. Агар бунга йўл қўйилса, жисмоний ҳаракатларнинг мантиқ ва кетма-кетлигини бузувчи муваффақиятсизликлар юзага келади. Ўз навбатида бузилган мантиқ ҳақиқатни барбод қилади, ҳақиқатсиз эса, актёрда ҳам томошабинда ҳам ишонч ва ҳис туйғу бўлмайди.

«Буюмсиз хатти - ҳаракатда»да ўзгача шарт-шароитлар юзага келади. Бунда катта бир хатти - ҳаракатнинг, ҳар бир энг кичик бўлакларига эътибор бериш имкони пайдо бўлади. Бу нарсасиз ҳамма ёрдамчи бўлакларни талаба эслай олмайди ва бажара олмайди.

Реал буюмлар билан ҳаётий хатти - ҳаракатни бажаришдан кейин, тасаввурдаги, буюмсиз хатти - ҳаракатга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўқитувчи қоронғида йўқолган буюмни топиш учун гугурт ёқиб қидиришни буюради. Унинг учун ҳаётда минимал диққат билан бажарилувчи хатти - ҳаракатларни талаба синаб кўрганидан кейин, энди унга гугуртсиз ёки қутисиз бирин-кетин шу жараёни қайтариш буюрилади.

Бармоқларнинг одатий ҳаракатларини аниқ, тиклаб олиши учун, аввалига етарли даражада диққатни тўплашга тўғри келади. Бу учун эса, яна бир бор , реал гугуртлар билан, машқни қайтариб олишни такозо этади. Бу мураккаб хатти - ҳаракат жараёни бажариш ва эслаб қолиш учун, аввал уни майда таркибий қисмларга бўлиш лозим.

Тасаввурдаги буюмсиз хатти - ҳаракатни реал хатти - ҳаракат билан солиштириб, текшириш ва такқослаш мумкин.

Хатти-ҳаракатни ўрганишда, уни янада типиклаштириб ва ойдинлаштирадиган, кичик тўқнашувлари мавжуд машқлар кўпроқ фойдалидир. Зеро, ҳаётда гугурт қутиси ҳеч қандай қийинчиликсиз

очилиши, гугурт донасини тез ёқиш мумкин. Аммо мана шу жараёни саҳнада кўрсатиш учун тўқнашувлар керак. Масалан, гугурт донаси синиб кетди; ёқаётган пайтда шамол эсди ва ҳ.к. Шунга ўхшаш қарама

қаршиликлар диққатни айнан мақсадга мувофиқ тўпланишига ёрдам беради.

Талаба машққа киришаётиб, ўзини бирданига берилган шарт-шароитлар билан ўраб олиши шарт эмас. Хатти - ҳаракатга муҳтожлик пайдо бўлганида, улар ўз-ўзидан зарурат даражасига қараб бажарилаверади. Вақти келиб, шунга ўхшаш машқ бутун бир этюдга айланиши мумкин. Масалан гугурт ёқиш машқи, душман штабини ёндириб ташлаш этюдига айланиши мумкин. Лекин, машқ бошланганда талабанинг олдига бундай мураккаб вазифани қўйсақ, унинг диққати бажараётган ҳаракатининг аниқлигига ва уни ҳаёт ҳақиқати даражасига етказишга эмас, балки, (этюд «кўрсатиш») қаҳрамон

•

киёфасини яратиш ва драматик вазиятни ифодалашга қаратилади.

Демак аввал ҳаракатнинг техникасини, яъни аниқ бажариш услубиятини ўзлаштириш керак. Барча диққатни шунга жалб қилган ҳолда, хатти - ҳаракатнинг ҳар бир таркибий қисмини мукаммал ўрганиш лозим. «Кичкина ҳақиқатни ярата билишнинг ўзи ижод... Кимки кичик жисмоний ҳаракатларни яхши бажараётган бўлса, у системанинг ярмисини билган бўлади».

Талаба, машқ шарт-шароитларидан келиб чиққан хатти - ҳаракатни кўрсатиб бермоғи тўғри эмас, балки, ушбу машқ жараёнида ўзи учун сахна сирларини ихтиро этмоғи керак. Жисмоний хатти - ҳаракатларнинг ҳақиқатини, мантиқ ва изчиллигини қидираётганда, шуни эсда тутиш лозимки, ёлғон -- мантиқсизлик, одатда ортиқча ҳаракатларда яққол кўринади. Буюмсиз хатти - ҳаракатлар машқини эгаллаб бўлганидан кейин, тасаввурдаги буюмларни реал буюмлар билан навбатма - навбат комбинация тарзида алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Масалан,

ҳақиқий қошиқча билан тасаввурдаги шакар (стаканга) солиб аралаштириши, стакандан тасаввурдаги чойни ичиш мумкин. Шуни тушуниб олгач, машқдан стакан ва қошиқчани олиб ташлаш мумкин.

Талаба буюмсиз хатти - ҳаракатни бўлақларга ажратиб, ўрганиб бўлганидан кейин, уни яхлит ва мукаммал бажаришга ҳаракат қилади.

Буюмсиз ҳаракатлар устидаги ишнинг кейинги босқичи куйидагилардан иборат. Бунда нима учун ва нега мен бу ҳаракатларни бажараяпман? -- деган саволларга жавоб топиш орқали талаба шарт

шароитларга олиб кирилади ва сахнавий ҳаракатларга аниқлик киритилади.

Улар тажрибада синалган, ҳаётда кўрилган, ёки китоблардан ўқилган фикрлар жараёни бўйича мантиқли ва изчил бўлиши лозим.

Агар ташналик қийнаса, маъруза пайтида томоқ қуриб қолса, ёки дори ичиш керак бўлса, сувни ичиш зарурати пайдо бўлади. Шароитга қараб сув, дориға, виноға, қайноқ чойға, ёки заҳарға айланиши мумкин.

Буюмсиз ҳаракатларға асосланган этюдлар бора-бора мукаммаллашиб бадий яқунланган бутун бир томошаға айланиши мумкин. Масалан, Станиславский ўзининг опера-драматик студиясида «Моцарт ва Сальери» деб шартли номни олган этюд, буюмсиз ҳаракатларға асосланган расм чизиш машқидан туғилган. Бўёқлар, каноп, бўёқ тахтаси, мўйқалам билан муомала қилиш техникаси етарли даражада ишланиб чиқилгандан сўнг, машқни бажарувчи иккита одам орасида ўзаро аниқ муносабатлар ўрнатилган. Натижада Станиславский студиячиларни этюдни янада ривожлантиришға жалб қилган. Улардан бири ўқитувчи, бошқаси ўқувчи бўлган. Ўқувчининг расми ўзининг расмидан истеъдод бўйича ўзиб кетганлигини устоз аниқлайди. Ҳасад туйғуси уйғонади. Ўқитувчи ўқувчисига расмини йўқотиб юборишни ҳоинона маслаҳат (провакация) қилади. Сўнгра содир бўлган жиноят учун пушаймонлик юзаға келади. Этюд драматик мазмундаги бутун бир актли пьесаға айланган.

Тасаввурдаги буюмлар билан машқлар қилиш ва уларни этюд даражасига етказиш қуйидаги босқичлардан ўтади:

1. Буюмсиз хатти-ҳаракатнинг мантиқлилик ва изчиллик техникасини эгаллаш. Масалан хат ёзиш, яъни қоғоз, ручка, сиёҳдон билан муомала қилиш. Хатти - ҳаракатнинг ҳ_ар бир кичкина таркибий қисмининг мантиқи ва кетма-кетлигини ва ҳаракатнинг барча жараёнини яхлитлигича синчиклаб ўрганиш ва қайта - қайта такрорлаш.

2. Тасаввурдаги буюмлар билан муомала қилиш техникасини мукаммал яъни санъат даражасига етказиш.

3. Саволлар бериш орқали шарт шароитларни аниқлаш. Масалан, кимға ва нега хат ёзяман.

Агар севги хати ёзилса, асосий объект қоғоз, хат, сиёҳдон эмас, балки хат ёзилаётган одам бўлади. Бунда энди тасаввурдаги шерик билан тилсиз суҳбат, ҳаракат мантиқининг асосини ташкил этади ва ўзлаштирилган хат

ёзишнинг техникаси, (яъни мантиқ ва изчиллик) борган сари иккинчи планга ўтади.

4. Хат ёзиш техникаси машқи давомида шарт-шароитлар мантиқига асосланиб, у янги хат қаерда ва қачон ёзилаяпти каби тафсилотлар билан бойитилади. Агар хат ёзиш 19-асрда содир бўлаётган бўлса, унда ғоз пати билан ёзиш техникаси ўзлаштирилади.

5. Шарт шароитларни аниқлаштириш ва кескинлаштириш натижасида, севги хатини ёзиш этюдга айланиши мумкин.

Агар берилган шарт шароитларни ўзлаштириш қийин бўлса,, буюмсиз ҳаракатга асосланган машқларни, темпо -ритмини аниқлаш ва унга эмоционал бўёқ берувчи, талаба тасаввурини кўзгатиб, уни янги ўй -фикрларга йўлловчи мусиқа остида бажариш тавсия қилинади.

Тасаввурдаги буюмлар билан хатти - ҳаракатланишга асосланган машқлар ўз хусусиятларига кўра икки турга бўлиниши мумкин.

Биринчисига, бутун бадан кучини ёки унинг айрим мушаклари кучини талаб қилувчи ҳаракатлар мансуб. Бу оғирликни ҳис қилиш, гавданинг эгилиши, қўл-оёқларнинг ҳаракатлари, бутун баданнинг бўшлиқдаги ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган турли-туман жисмоний ишлар. Масалан, хона тозалаш, пол ювиш, кир ювиш, печка ёқиш, турли хил оғирлик ва шаклдаги буюмлар билан хатти-ҳаракат қилиш, ер чопиш, дарахт ёқиш, театр пардасининг очилиши ва ҳ. к. з. киради.

Иккинчисида жисмоний ҳаракатларда ҳақиқатни ҳис қилиш, турли ҳажмдаги ва шаклдаги буюмлар билан муомала қилишнинг тўғри усуллари ўргатадиган, сахнабоп хатти -- ҳаракатлар топиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай машқларга масалан ювиниш, овқатланиш, ичиш, кийиниш ва ечиниш, тикиш, дазмоллаш, ўқиш, ёзиш, чизиш кабилар, шунингдек, кулфлар-калитлар, пуллар, турли ўйинлар, арча безатиш, мусиқа асбобларини чалиш кабилар билан боғлиқ хатти -- ҳаракатлар кириши мумкин.

Буюмсиз хатти - ҳаракатларни эгаллаш техникаси, оддий психо • жисмоний ҳаракатларнинг табиатини ўрганишга, мантиқи ва кетма-кетлигини тиклашга ёрдам беради. Актёр техникасини ривожлантиришга қаратилган ушбу машқлар, келажакдаги роллар устида ишлаш услубиётини эгаллашда, дастурул амал ҳисобланади. Улар элементар

психофизик ҳаракатлардан мураккаб психологик мазмун билан тўйинган хатти - ҳаракатларга ўтишнинг муайян профессионал кўникмаларини тарбиялаш восита вазифасини бажаради. Шунингдек, улар актёрнинг, жисмоний ва рухий табиатига ҳос барча элементларининг нормал ишлашини, доимо сахнабоп ҳолатда бўлишини таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Бу машқлар ифода воситаларининг аниқ бажариши орқали актёр фикрининг сахнавий маънодорлигини ёрқинлаштиради. Зеро, машқлар актёр-ижодкордан аниқлик, кузатувчанлик, кучли диққат, мушакларини моҳирона ишлатиш кўникмасини юзага келтиради.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Актёр учун тасаввурдаги буюмлар билан хатти-ҳаракат қилиш машқларининг аҳамияти нимада?
2. Тасаввурдаги буюмлар билан машқлар устида ишлаш ва уларни этюд даражасига етказиш қандай босқичлардан ўтади?

**15-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу: Саҳнавий
муносабатларни баҳолаш**

РЕЖА:

1. Партнерлар «Ота - ўғил» муносабатида.
2. Объектга ижодий ёндашиш.

Адабиётлар.

1. Б.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» «Просвещение» М. 1978г.
139-142 бетлар.
2. Н.Махмудова семинар доклади. Тошкент 2002 й. (кафедра фондида)

Маъруза матни

Актёр сахнада ўзи кўриб ва эшитиб турган ҳар бир объектни, ҳар бир нарсани ўз тасаввури орқали сахнавий ҳаёти учун зарур нарсаларга айлантириб, уларга шунга яраша муносабатда бўлади. Масалан, актёрнинг кўз ўнгида денгиз расми солинган мато бўлаги турибди, дейлик. Актёр бу матони ҳақиқий денгизни қабул қилгандек қабул қилади. Яна бир мисол кўлидаги реквизит цехидан олинган бир бўлак қоғоз. Лекин актёр унга жуда муҳим хабар ёзилган хатдек муносабатда бўлади. Шунингдек, у нафақат ўз ролини, балки партнёрининг репликаларини ҳам ёддан билган ҳолда, ҳар сафар сўзларни шу тобда туғилгандек, хабарларни биринчи бор, ҳозир эшитиб тургандек қабул қилади. Демак, сахнада ҳар бир объектга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш ва шароитдан келиб чиқиб, уни ўзгартира олиш қобилияти актёр учун зарур бўлган фазилатлардан биридир. Бунда актёрнинг ишонувчанлиги, «содда»лиги, яъни, ўз касбига лаёқати намоён бўлади. Актёр табиатида шу хислат бўмаса, унда яхши ижодкор сифатида бу қобилиятни ўзида тарбиялаш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, актёр диққат марказида бўлган ҳар бир объектни (юқорида айтиб ўтилгандек), аслида қандай бўлса шундай қабул қилиши ва унга қандай зарур бўлса шундай муносабатда бўлиши лозим. Атрофдаги воқеа, ҳодиса ва предметларга бундай ижодий ёндашиш актёрнинг ишончи туфайли амалга ошади. Ишонч ўз навбатида тасаввур ёрдамида, оқлаш орқали юзага келади. Демак, партнёрни «ота»га айлантириши учун шундай эканлигига ишониш керак. партнёрга отага бўлгандек жиддий муносабатда бўлиши, ўз тасаввури ёрдамида (партнёр билан бирга) «ота-ўғил» муносабатларини оқловчи далиллар топиши лозим. Шундай қилиб, сахнавий оқлаш ёрдамида мужассам топган диққат ва ишонч, актёр

руҳиятида объектга нисбатан зарурият ҳисси уйғотади, уни (актёр) бадиий тўқиманинг реаллигига ишонтиради.

Объектга ижодий ёндошиш жараёнининг 2 та муҳим қисми бор:

- биринчиси, янги бадиий реаллик (ҳақиқат)ни яратиш;
- иккинчиси, персонажнинг шу реаллик (ҳақиқат)га нисбатан субъектив муносабатини (юзага келтириш) аниқлаш.

Шу муносабатларни аниқлаш ва юзага келтириш орқали актёр ўзи яратаётган образ қиёфалар кириб боради. Чунки ҳар қандай инсоннинг ҳам, сахнавий образнинг ҳам характери ўзини қуршаб турган нарсаларга, одамларга, воқеаларга нисбатан бўлган муносабати орқали ифодасини топади. Шу боис роль устида ишлаш муносабатларни қидириш демакдир. Инсон муносабатидан унинг хатти-ҳаракати келиб чиқади. Муносабатларни аниқламай туриб, ҳаракат қилиб бўлмайди. Ўз навбатида хатти-ҳаракат театрнинг ифода воситаси ва актёрлик маҳоратининг асосий материалidir. Хатти-ҳаракатнинг манбаи сахнавий муносабат экан, демак сахнавий муносабатлар актёрлик санъатининг асоси дейишимиз мумкин. Саҳна санъати муносабатда туғилади ва хатти-ҳаракатда ўз ифодасини топади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Сахнавий муносабатларни баҳолашда партнёрлар вазифаси қандай?
2. Объектга ижодий ёндашишда қандай муҳим қисмлар бор?

16-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Фактларни баҳолаш.

РЕЖА:

1. Қаҳрамоннинг тарихи (олдинги ҳаёти)
2. Қаҳрамоннинг сахнадаги ҳаёти

Адабиётлар.

1. Б.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» «Просвещение» М. 1978г.
141-144 бетлар.
2. Н.Махмудова семинар доклади. Тошкент 2002 й. (кафедра фонди)

Маъруза матни

Сахнавий муносабат икки хил бўлади:

1. Қаҳрамоннинг пьесадаги воқеалар бошланмасдан олдинги ҳаёти жараёнидаги муносабатлари.
2. Қаҳрамоннинг сахнадаги ҳаёти жараёнидан келиб чиққан муносабатлар (фактларни баҳолаш)

Биринчи гуруҳх муносабатларини тўғри аниқлаб олиш натижасидаги ҳатти-ҳаракатлар жараёнида иккинчи гуруҳх муносабатлари (ўз-ўзидан) туғилади. Демак, 1-гуруҳх муносабатларини олдиндан ўйлаб-тайёрлаб чиқиш иккинчи гуруҳх муносабатларини жонли, ҳаққоний ва табиий бўлишининг зарурий шартидир. 2-гуруҳх муносабатлари фактларни баҳолаш деб аталади. Сахнада содир бўладиган ҳар бир янги ҳодиса актёрдан уни маълум даражада баҳоланишини талаб қилади. Баъзан бу баҳо онгли-рационал бўлиб, баъзан эса импульсив-тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Актёр тасодифларни қабул қила олиши керак. Зеро, сахнадаги ҳар бир ҳодиса-воқеа маълум даражада персонаж-актёр учун тасодиф бўлиб ҳисобланади. Олдиндан маълум нарсани тасодифдек қабул қилиб олиш актёрлик санъатининг энг қийин томони бўлиб, артист иқтидори, қобиляти аввало шунда намоён бўлади. Маълумки, иқтидорни ўргатиб бўлмайди, лекин сахнада ҳар бир воқеани жонли, табиий ва ҳаққоний баҳолай олиш учун максимал шарт-шароит ярата олишни ўргатиш мумкин ва зарур. Ушбу шарт-шароитлардан бири персонажнинг бутун умри давомида тўплаган муносабатларини аввалдан аниқлаб, ўзида мустаҳкамлаб олишидир. Бундай тайёргарликларсиз актёрда сахнавий тасодифларни баҳолаш учун зарур бўлган кучли ишонч ҳиссиётларини пайдо бўлиши қийин.

Демак, диққат ва ишонч актёрда муносабатни яратади, бу муносабатлар ўз навбатида ҳаққоний ҳатти-ҳаракатларнинг туғилишига замин бўлиб хизмат қилади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Сахнада фактларни баҳолаш деганда нимани тушунаси?

17-МАЪРУЗА (2 соат)

Мавзу: Саҳнавий муносабатларни ўрганиш ва фактларни тўғри баҳолашга ҳаратилган машқлар.

РЕЖА:

1. Объектга муносабат.
2. Воқеа ўрнига муносабат.
3. Шарт-шароит.
4. Партнёрга муносабат.
5. Фактларни баҳрлаш.

Адабиётлар.

1. Б.Захава «Мастерство актёра и режиссёра» «Просвещение» М. 1978г. 145-154 бетлар.
2. Н.Махмудова семинар доклади. Тошкент 2002 й.

Маъруза матни

Бу кўникмаларни юзага келтириш учун «муносабат ва фактларни баҳрлаш учун этюдлар» деб номланган машқлардан фойдаланилади. Бу этюдлар талабаларнинг диққати учун мўлжалланган машқлар бўлиб, у аста-секин мураккаблаштириб борилади. Натижада машқ бажараётган жараёнга тасаввурни ҳам қўшса, унинг объектга нисбатан қизиқишини оширади, диққат- эътибори бир жойга тўпланади. Талабадаги қизиқиш эса ижодий жараёнга айланиб, диққат янада чуқурлашади ва жадаллашади.

Олайлик, талабанинг кўлида телпак. Уни яхшилаб кузатиш топширилади. Бу «диққат» учун бажариладиган оддий машқ. Ижрочининг диққати маълум бир маромга ётганидан сўнг, ўқитувчи «бу телпак эмас,

мушукча» деб машқни мураккаблаштиради. Агар ўқувчи дарров мушукчани «ўйнай» бошласа, у нотўғри йўлдан кетаётган бўлади. Диққат учун бажарилаётган машқ, сунъий сакрашларсиз, батамом табиий ҳолда, аста-секин муносабат машқи сари ўсиб бориши лозим. Талабанинг ташқи ҳолатида ҳеч нарса ўзгармаслиги мумкин, лекин «мушукча» сўзини эшитганидан кейин унинг руҳиятида, ички тасаввурида фаоллик ортади. Аввало, талаба ўз диққатини берилган объектга тўплаган ҳолда, хаёлан унга аслида йўқ сифатларни, яъни мушукчанинг сифатларини татбиқ эта бошлайди. Бу вазифани «телпакни мушукча сифатида оқлаш» деб аташ мумкин. Мушук билан телпакнинг умумий (жунлилиқ) сифатларига таянган ҳолда талаба уни жисман кўз олдига келтиради. Мушукчанинг боши, қулоғи, оёғи, думи қардалигини аниқлайди. Телпак қимирламайди, жуда яхши. Демак ,мушук ухляпти. Оёғи-боши кўринмаяпти, демак, у

кулча бўлиб олган. Агар уни уйғотсак, мана бу ердан боши, бу томондан думи пайдо бўлади. Мушукни жисман аниқлаб олгач, уни оқлашга ўтилади: кимнинг мушуги, қаердан келган, насли қандай, феъли қанақа, қачондан бери ухляпти экан ва ҳ.к. Тасаввурининг бундай ишлаши натижасида пайдо бўлган ишончдан муносабат юзага келади ва талаба ўз муносабатини хатти-ҳаракат орқали ифода эта бошлайди. Бироз олдинга эгилиб мушукни оҳиста силайди. Шунда талаба юзида эркаланиш ифодаси пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳаракатлар арзимаган бўлиб кўринсада, баъзан шунчалик ҳаққоний акс этадики, хонада ўтирганларга мушукнинг хуриллаши эшитилаётгандек бўлиб туюлади. Шу онда машқни тўхтатиш мақсадга мувофиқдир. Худди шундай усулда яна бир қатор машқлар ўйлаб топиш мумкин. Масалан, арқон эмас-илон, гугурт қутиси эмас -- бомба,

»

стул эмас - пулемёт ва ҳ.к. Ўйлаб топилган буюм билан берилган объект ўртасида бироз ўхшашлик бўлгани яхши.

Муносабат учун берилган машқларнинг 2-тури асосида воқеа ўрнига бўлган муносабат ётади. Масалан, сахнадаги талаба ўзини врач қабулхонасида, вагонда, параходда, музейда - деб ҳис қилиши керак. Машқлардаги изчиллик ва иш услуби илгаридек бўлади. Хатти-ҳаракат қилишдан олдин талаба воқеа ўрнини «оқлаши» ва тасаввур иёрамида қатор саволларга жавоб топиши керак: бу ерга қачон келди?, нима учун келди, қандай қилиб келди? Олдин қаерда эди? Бу ерда канча вақт бўлади? қачон кетади? ва ҳ.к. Ўқитувчи талабанинг хатти-ҳаракатида бирон-бир ёлғонни, ясамаликни сезиши билан машқни тўхтатиши лозим.

3- турдаги машқлар, воқеа ўрнига нисбатан шарт-шароитнинг, муносабатнинг ўзгариши асосига қурилади. Масалан, совуқ ёки иссиқ об-ҳавода боғда, қорин оч ҳолда магазин пештахтаси ёнида, яқин кишиси оғир касал бўлиб ётган хонада, бомбардимондан сўнг вайрон бўлган уйи олдида ва ҳ.к. Бу машқларда ички жараёнлар изчиллигининг тўғрилигига алоҳида эътибор берилиши шарт, чунки бу жараёнлар жонли хатти-ҳаракатнинг туғилишига олиб келади. Дастлаб талаба мушаклардаги ортиқча зўриқишдан халос бўлиши, сўнгра диққатини берилган объектга тўплаши лозим. Шундан сўнг ҳаракат жойини тўлиқ оқлаши, ана ундан кейингина берилган шарт-шароитни баҳолашга ва оқлашга ўтиши мумкин.

Муносабат учун машқларнинг 4-турида сахнадаги партнёрга бўлган муносабат хусусидадир. Машқлар сўзсиз ва деярли ҳаракатсиз амалга оширилади. Сахнага 2 та қатнашувчи таклиф этилади. Хатти-ҳаракат учун воқеа ўрни белгилаб олинади: хона, автобус, метро ва ҳ.к. улар ёнма-ён ўтиришадилар. Уларнинг бир-бирига бўлган муносабати аниқланади.

Масалан, эр-хотин, дўст, ака-сингил, севишганлар, нотаниш кишилар ва
Х-к.

хар бир қатнашчи партнёрини машҳур киши - киноактёр, ёзувчи, спортсмен деб қабул қилади.

- улар бир-бирлари билан таниш, лекин қачон, қаерда учрашганларини эслолмайдилар.

- улар бир-бирлари билан танишишни истайдилар, лекин биринчи бўлиб гапиришга журъат қилолмайдилар.

Ишлаш усули ва изчиллиги аввалгидек - мускуллар бўшлиги - диққат-оқлаш-муносабатлар ўртасидаги муносабатларни беҳато топсалар, қатнашувчилар бир-бирларига тўғри муносабатда бўладилар. Машқларда ўқувчилар ифода воситаларидан меъёрида фойдаланишларига эътибор бериш лозим. Оз фурсатда сахнавий кўникмаларни уларнинг онгига сингдириш учун муносабатнинг ўзгариши асосига қурилган машқлар жуда қўл келади.

Фактларни баҳолаш учун бажариладиган машқлардан кутиладиган асосий мақсад олдиндан маълум нарсани, сахнада тасодифдек қабул қилишга ўргатишдир. Масалан, бир талабани сахнага таклиф қилиб, китоб ўқиш топширилади: китоб қизиқ, зерикарли, драматик, юмористик ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу машқни бажариш учун, биринчидан ўқувчи китобда ёзилганларни ростмана ўқиши керак, иккинчидан, ўқиганларини берилган вазифа уйғотадиган таъсуротга айлантирмоғи лозим. Бу нарсга талабадан бой тасаввурни, соддаликни, бир зумда қарор қабул қилишни талаб қилади. Шундан сўнг таъсурот асосида юзага келган сюжетга мос асосида бирор тасодифни ўз ичига олган этюдларга ўтиш мумкин. Масалан: киши уйга қайтиб, стол устида яхши ёки ёмон хабар ёзилган телеграммани кўриб қолди; қўшни хонада ўзи ҳақида гапирилаётган суҳбатни тасодифан эшитиб қолди; харид қилмоқчи бўлиб, сумкасидан пул йўқолганлигини билиб қолди; чизаётган чизмаси устига тасодифан бўёқли идишни ағдариб юборди ва ҳ.к. Этюднинг асосий ва ҳал қилувчи нуқтаси, албатта, тасодифни қабул қилиш лаҳзаси. У, ҳаққоний, жонли ва ишонарли бўлиши лозим. Бунга эришишнинг 2 та қоидаси бор:

1. Сахнага чиқишдан аввал ҳамма оқлашларни шундай ҳал қилиши керакки, булар актёрнинг этюдда берилган шарт-шароитни юқори эмоционал баҳолай олишига ёрдам берсин. Масалан, бўёқ тўкилган чизмани ижрочи учун жуда зарур ва қимматли деб белгилаш керак. Агар актёр шу шартга тўла ишона олса, тасодифни баҳолашда ҳақиқий кўз ёшгача етиб келиши мумкин.

2. Саҳнага чиққан пайтда содир бўладиган «тасодиф»ни батамом унута олиш, унга аввалдан тайёрланмаслик лозим. Бунинг учун актёр диққатини бошқа объектлар билан банд қилиши зарур. Масалан, ижрочи бор эътиборини бўёқли идишга эмас, чизаётган чизмасига қаратиши мумкин.

Ҳар бир ролнинг энг масъулиятли, энг қийин, шу билан бирга, энг қизиқ онлари бу саҳнавий тасодифнинг рўй бериш дақиқаларидир. Шу тасодифни қанчалик ҳаққоний баҳолай олишига қарабгина томошабин актёрнинг қобилияти ҳақида сўз юритади.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Объектга, воқеа ўрнига, партнёрга муносабат учун қандай машқлардан фойдаланиш мумкин?

18-МАЪРУЗА (2 соат) Мавзу:
Этюд устида ишлаш.

РЕЖА:

1. Машқлардан кейин этюдга ўтиш жараёни.
2. Этюд туғилиш жараёни.
3. Этюд - ғоявий ва ахлоқий тарбия воситаси.

Адабиётлар.

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра школом Станилавского» Изд. 2 - е. М. , Искусство 1978 г.

Н

Маъруза матни

Этюд нима ва у машқдан нимаси билан фарқ қилади? Этюд - ўзининг композицион тузилишига; тугун, воқеалар ривож, тўқнашувлари ва ечимга эга бўлган, жуда кичик саҳнавий бадиий асардир.

Этюд ишлашни бошлаганда машқлардан воз кечмаслик керак. Машқлардан этюдларга ўтиш жараёнида аста-секин шарт-шароит, воқеа, ижодий мақсад, сюжет, етакчи хатти-ҳаракат, мантиқ-изчишлик билан бойитиб борилади. Масалан, биринчи машқ. Талабага саҳнада бекитилган пулни топиш машқи берилади, бу оддий ҳаётий хатти-ҳаракат. Талаба пулни топгандан сўнг, унга бу машқни қайта бажариш вазифаси берилади. Иккинчи машқнинг олдингисидан фарқи шундаки, иккинчи бор талаба пулни қаерда жойлашгашлигини билади.

Машқни иккинчи бор бажарганда, талаба биринчи бор амалга оширган хатти-ҳаракатларининг мантиқини йўқотади ва хотирасида қолган хатти-ҳаракатларни қайтаради ва пул қидиришни кўрсатиб беради. Шундай бўлмаслик учун мақсад ва шарт-шароитни аниқлаб, хатти-ҳаракат қилмоқ лозим. Бу пул кимники, нима учун керак эди, қандай шароитда бу пул йўқолади, топилмаса нима бўлиши мумкин? Агар бу пул арзимаган иш учун керак бўлса, ундай шароитда актив хатти-ҳаракат қилиб бўлмайди, талаба ҳам қизиқиб хатти-ҳаракат қилмайди. Аммо, бу пулни талаба ҳозир олиб бориб, институтга ўқиш учун контракт шартномаси асосидаги тўлови учун уни тўламаса, бугун талабалар сафидан чиқарадилар. Шунда хатти-ҳаракат активлиги ўса бошлайди.

Шундай қилиб, биринчи машқимиз оддий, ҳаётий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган бўлса, кейингиси бадиий тўқималар билан бойитилиб, янгича мазмунга эга бўлган. Аввалига, этюдлар яратишда оддий сюжет қурилмаси билан чегараланиш лозим. Фактлар билан этюдни

тўлдириб ташлаш шарт эмас. Энг муҳими -- этюд талабаларнинг ҳаётий кузатувлари орқали туғилишидир. Талаба -- сценарий қурмасдан ўзининг кузатувлари ёки импровизацияси орқали машқлардан келиб чиққан этюдларга ёндашиши, мақсадга мувофиқдир.

Этюд ишлашнинг бошқа йўллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, тасаввурдаги буюмлар билан ишлашдаги «сантехника» машқи. Бу машқда ишлаган талаба сантехник ролини бажариши мумкин. Бундай ҳолларда талабани қизиқтирадиган ижодий вазифа берилиши керак.

Айрим ҳолларда талабага шундай шарт - шароит бериладик, хатти -ҳаракат ривожланмайди. Масалан, уй эгаси ва сантехник эски дўст экан.

Этюдда «дўст» энг муҳим звено бўлиб, талабалар гап - сўздан бўшамай

қоладилар. Агарда «сантехник» йигит, севгилисини кўргани келгану, қизнинг отаси уйда бўлса? Бу топшириқда яхши талаба иложи борида ўзи бадий тўқима яратиши лозим. Ўқитувчи жараёнга камроқ аралашмоғи, асосан кузатмоғи лозим. Бўлмаса талаба - этюдни чуқур ўрганмайди. Ўз ижросининг ташқи томонини иллюстрация қилиш билан овора бўлади. Ваҳоланки, этюд бадийликнинг барча элементларини ўз ичига қамраб олмоғи керак.

Этюд ишлашдан мақсад, фақатгина актёрнинг профессионал қирраларини ривожлантиришигина эмас балки этюд тарбиялаш воситачиси ҳам бўлмоғи керак. Этюд сифати - мавзу, сюжет танлаш, олий мақсад ва ғояни белгилашда билинади. Этюд мазмунли бўлмаса, яъни хатти - ҳаракат аниқ бўлмаса, олий мақсади мавҳум бўлса, бундай этюд -фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради.

Этюд ишлашда муҳими мавзу эмас, унинг олий мақсаидир. Ҳар бир этюднинг, олий мақсад негизи, ахлоқий ғоя бўлиши лозим. Талаба этюд ишлашдан олдин ўзига қуйидаги саволни бериши керак: Қаҳрамоним муомаласи билан, жамиятга нима демоқчиман? Бу этюдда «мен» нима демоқчиман? Талаба, ўзининг муносабатини сахнадаги воқеага нисбатан қандай эканлигини аниқлаб олгандан кейин, дараматик конфликтдан келиб чиққан ҳолда олий мақсадни топа олиши мумкин.

Этюд ишлашда услубий характерга эга бўлган хатоларга йўл қўйилиши мумкин.

Органик ҳаётий хатти -- ҳаракат қилиш кўникмаларига эга бўлмай туриб, этюдга ўтилса, талабалар «осон» йўлдан бориб, сахнада ўйнай бошлайдилар.

Этюдлар сони кўп бўлмасин, кам бўлсин, аммо сифатли бўлсин. Бир кишилик этюдлардан ташқари, гуруҳли этюдлар ҳам ишлаш мақсадга

мувофиқ. Бундай этюдлар қатнашувчиларда, янги бадиий вазифаларни аниқлашга, умум бадиий композицияда қатнашувчи ўз ўрнини топишига, хулқ атори ва мантиқини аниқлашга ўргатади. Бунда талабалар гурухланиш (группировка) пластик маънодорлик, темп ритм, мизансценалар билан танишадилар.

I

Этюдда актёр х_аётий кузатувлар хатти -- ҳаракатидан келиб чиққан ҳрлда гавдаланади. Биринчи курснинг биринчи ярим йили, асосан машқлар билан ишлаш даври жараёни деб ҳисобланади. Биринчи - курс иккинчи ярим йил эса этюдлар устида ишлаш давридир. Ярим йилда талаба этюд ишлаш техникасини тўлақонли эгаллай олиши қийин. Шунинг учун 2 - курсда ҳам этюдлар устида иш олиб бориш лозим.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Этюднинг композицион тузилишини айтиб беринг. 1. Этюд ғояси қандай аҳамиятга эга?

Гг

психофизик ҳаракатлардан мураккаб психологик мазмун билан тўйинган хатти - ҳаракатларга ўтишнинг муайян профессионал кўникмаларини тарбиялаш восита вазифасини бажаради. Шунингдек, улар актёрнинг, жисмоний ва руҳий табиатига хос барча элементларининг нормал ишлашини, доимо саҳнабоп ҳолатда бўлишини таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Бу машқлар ифода воситаларининг аниқ бажариши орқали актёр фикрининг саҳнавий маънодорлигини ёрқинлаштиради. Зеро, машқлар актёр-ижодкордан аниқлик, кузатувчанлик, кучли диққат, мушакларини моҳирона ишлатиш кўникмасини юзага келтиради.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Актёр учун тасаввурдаги буюмлар билан хатти-ҳаракат қилиш машқларининг аҳамияти нимада?
2. Тасаввурдаги буюмлар билан машқлар устида ишлаш ва уларни этюд даражасига етказиш қандай босқичлардан ўтади?